

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

Хукуқ магистри даражасини олиш учун

**“ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТЕРГОВДАГИ
ТИЗИМЛИ КАМЧИЛИКЛАРГА БАРҲАМ
БЕРИШ ЗАРУРИЯТИ”**

мавзусида

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
доцент Ф.Ҳ.Рахимов**

**Илмий маслаҳатчи:
ўқитувчи И.Р.Астанов**

**Амалиётдан маслаҳатчи:
15-бошқарма бошлиғи
А.Иномназаров**

**Академия Магистратураси
тингловчиси:
С.А.Мухаммадиев**

Тошкент - 2020

**“Дастлабки тергов жараёнини такомиллаштиришда терговдаги
тизимли камчиликларга барҳам бериш зарурияти”
мавзусига тайёрланган**

ИШ РЕЖА:

Кириш

I БОБ. Дастлабки терговдаги тизимли камчиликларнинг назарий-хуқуқий жиҳатлари.

- 1.1. Дастлабки терговдаги тизимли камчиликларнинг мазмуни;
- 1.2. Дастлабки тергов жараёнида юзага келадиган тизимли камчиликлар таснифи.

II БОБ. Дастлабки терговда тизимли камчиликларни юзага келтирувчи омиллар ва шарт-шароитлар.

- 2.1. Кадрларни тайёрлаш, танлаш ва ишларни ташкиллаштиришдаги тизимли муаммолар;
- 2.2. Моддий ва процессуал хуқуқ нормаларини қўллашда қўплаб учрайдиган камчиликлар.

III БОБ. Дастлабки тергов жараёнини янада такомиллаштириш масалалари. Хорижий тажриба.

- 3.1. Айрим хорижий мамлакатларда дастлабки терговни юритишнинг ўзига хос жиҳатлари;
- 3.2. Дастлабки терговдаги тизимли камчиликларни бартараф этиш ва тергов иши юритилишини ривожлантириш истиқболлари.

Хунос

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

КИРИШ

“Хуқуқни мухофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғизмай хизмат қиласидиган идораларга айлантиришимиз лозим”¹.

Мавзунинг долзарблиги. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида миллий қонунчилигимизда туб ўзгаришлар юз бермоқда.

Жамиятнинг демократлашуви, қонунчиликда либерал нормаларнинг акс этиши ҳамда ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг янги шарт-шароитлари процессуал қонунчиликда жиддий ўзгаришлар рўй беришига сабаб бўлди.

Сўнгги йилларда, Конституциямизда белгиланган устувор қоидалар асосида қонун ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан инсон, унинг ҳақ-хукуқлари ҳимояси янада мустаҳкамланди.

Шу маънода, жиноят суд иш юритуви соҳасидаги ислоҳотлар фуқароларнинг қонуний хукуқ ва манфаатларини мухофаза қилиш тизимини янада кучайтиришга йўналтирилди.

Шундай бўлсада, хукуқшунос олимлар ушбу масалага назарий ва амалий жиҳатдан ёндашишга ҳаракат қиласидилар. Чунки, барча масалалар ҳам қонунчилик билан тартибга солинавермайди. Бу ҳолат тергов жараёнига ҳам тааллуқли.

Сўнгги йилларда, жиноят-процессуал қонунчилигига шахс хукуқ ва эркинликларининг ҳимоясига оид ва замонавий-техник воситаларни қўллаш юзасидан янгиликлар жорий этилиб, қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, таҳлиллар дастлабки тергов давомида бир қатор тизимли камчиликлар мавжудлигини, мазкур муаммолар ҳанузгача долзарблигича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан ўtkazilgan тадбирдаги маърузасидан.

қолаётганлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда оммавий ахборот воситалариға берилаётган эркинликлар натижасида эса, ушбу камчиликлар халқ кўзига ойнадек кўринмоқда.

Бундан ташқари, ушбу диссертация мавзуимизда акс эттириладиган айрим масалалар жиноят қонунчилигига мутлақо ёки тўлақонли равишда ўз аксини топмаган бўлиб, изчил ислоҳотни амалга ошириш ҳамда қонунчилик ва ҳуқуқни кўллаш амалиётига янги ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таъкидлаш зарурки, ушбу мавзу юзасидан давлатимиз ва хорижий мамлакатлар юридик адабиётларида олиб борилган илмий изланишлар сони салмоқли эмас.

Юридик адабиётларда дастлабки тергов жараёнидаги айрим камчиликлар ва уларни бартараф этишга оид масалалар Д.А.Назаров, Б.Ў.Жамолов, С.Сахаддинов каби ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мазкур мавзу юзасидан чет мамлакатларда Д.А.Бойков, В.Н.Исаенко, Л.П.Исмакаев, В.А.Лазарева, А.А.Леви, В.Н.Махов, Е.С.Радутная, А.Б.Соловьев, М.Е.Токарева, С.А.Шейфер, Т.В.Барсунова, Е.В.Морозова, А.А.Абубакирова, Ю.Ф.Ферраро томонидан тадқиқот олиб борилганлигини ҳам қайд этиб ўтиш зарур. Бироқ, ушбу тадқиқот ишлари хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти нуқтаи назаридан амалга оширилганлигини инобатга оладиган бўлсак, мазкур масалани илмий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади, деган хulosага келиш мумкин.

Айниқса, давлатимизда шахс ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги янада мустаҳкамланаётган ҳамда олий қадрият сифатида эъзозланаётган бир шароитда, ушбу муаммо янада муҳим аҳамият касб этиб бормоқдаки, бу ушбу масала устида мушоҳада юритишга ундейди.

Тадқиқот обьекти прокуратура органлари томонидан дастлабки тергов жараёнида юзага келадиган тизимли камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Гарчи, тадқиқот ишида, асосан, ички ишлар органлари томонидан олиб борилган тергов ҳаракатларига оид амалий мисоллар ёритилган бўлсада, дастлабки тергов устидан прокурор назорати мавжуд бўлганлиги сабабли, ушбу тадқиқот иши прокуратура фаолиятига ҳам дахлдор ҳисобланади.

Мазкур тадқиқотни амалга оширишда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой, Қозоғистон каби давлатларнинг тадқиқотга оид хуқуқ нормалари ўрганилиб, таҳлил қилинди. Бунда, асосий эътибор, Германия Федератив Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини ўрганишга қаратилди.

Тадқиқот предмети дастлабки терговдаги тизимли камчиликларни бартараф этишнинг ташкилий, жиноят-хуқуқий ва жиноят-процессуал имкониятларини илмий ва амалий жиҳатдан атрофлича ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади дастлабки тергов жараёнида юзага келадиган тизимли камчиликларни ёритиш орқали диссертациядан фойдаланувчиларнинг бундан хабардор бўлишини таъминлаш, уларни бартараф этиш юзасидан илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- тадқиқот мавзусига оид назарий-хуқуқий тушунчаларни такомиллаштириш;
- юридик таълим муассасаларидағи ўкув дастурларининг амалиёт билан боғлиқлигини ўрганиш;
- соҳа кадрларини танлашнинг мавжуд механизмларини таҳлил қилиш;
- тизимли камчиликларни амалий мисоллар ёрдамида ёритиш;
- тадқиқотга оид айрим хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш;
- дастлабки терговни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шархи. Тадқиқотни амалга оширишда уннг назарий қисмига оид маълумотларни ёритишида миллий ва хорижий адабиётлар, интернет сайtlари ҳамда турли ёзма адабиётлардан, амалий қисмида эса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун

хужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиётига доир амалий материаллардан, судларнинг хусусий ажримлари, прокуратура раҳбариятининг раҳбарий хужжатларидан фойдаланилган.

Тадқиқот усуллари. Илгари сурилган вазифаларни ҳал этишда илмий тадқиқотнинг тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, таҳлилий ва мантиқий-юридик усулларидан фойдаланилган. Бу усулларнинг жами муайян даражада диссертациявий тадқиқот натижаларини тўлиқ англаш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий қисмида қўлланилган асосий методика – бу қиёсий-ҳуқуқий метод бўлиб, юридик фанлар доктори З.М.Исломовнинг фикрича, бир вақтнинг ўзида ёки ўтмишнинг турли даврларида мавжуд бўлган билишнинг ўхша什 обьектларини таққосламай туриб, ҳуқуқ амалиётини ислоҳ қилиб ёки такомиллаштириб бўлмайди¹.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, жиноят ҳуқуқи ва жиноят процесси фанлари тегишли институтларини атрофлича таҳлил қилиш асосида дастлабки терговдаги тизимли камчиликларнинг юридик табиати ва унинг амалдаги салбий оқибатлари ўрганилиб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясининг ривожланишига муайян ҳисса қўшади. Тадқиқот натижалари “Жиноят процесси” фанларидан маъруза ва семинар машғулотлари олиб борища фойдаланиш мумкинлиги унинг илмий аҳамиятидан далолат берса, амалий мисоллар ҳамда тадқиқот ишида баён этилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг дастлабки тергов босқичини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги унинг амалий аҳамиятини намоён этади.

Ишнинг синовдан ўтганлиги. Диссертация қўлёзмаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг “Жиноятчиликка қарши

¹ З.М.Исломов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.: Адолат, 2007 йил. 27-бет.

курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” кафедрасининг мажлисида муҳокама қилинган ҳамда очиқ ҳимояга тавсия этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация унда таҳлил қилинган муаммоларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, кириш, олти параграфдан иборат уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва диссертациянинг амалий қисми ҳамда ишлаб чиқилган таклифларни ёритиб берувчи икки иловадан иборат.

І БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДАГИ ТИЗИМЛИ КАМЧИЛИКЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Дастлабки терговдаги тизимли камчиликларнинг мазмуни

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантириш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш шароитларида қонунийликка ва фуқароларнинг ҳуқуқлариға қатъий риоя этилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Бу жиноят процесига ҳам тааллуқли бўлиб, жиноят ишлари бўйича иш юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга кўмаклашиши лозим.

Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чеклашга йўл қўядиган жиноят-процессуал фаолиятнинг ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда, дастлабки тергов босқичида шахс ҳуқуқларининг тўлақонли ҳимоясини амалга ошириш, ваколатли органлар томонидан бунга сўzsиз риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, мазкур босқичда суд ваколатларини кенгайтириш бўйича “Ҳабэас корпус” институтини такомиллаштириш алоҳида ўрин тутади.

Мазкур қоидалар қонунийлик, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи каби принципларда ўз аксини топади.

Жиноят-процессуал кодексида белгиланган мақсад ва вазифалар кетма-кет келадиган босқичлардан иборат бўлган бутун жиноят судлов ишини юритиш учун умумий ҳисобланади.

Бироқ, жиноят процессида ушбу принциплар талабларига риоя қилмаслик хавфи мавжуд бўлиб, бунинг таг замирида дастлабки терговда йўл қўйиладиган тизимли камчиликлар ётади.

Тизимли камчиликларнинг хуқуқий табиати жиноят процессида дастлабки тергов олиб борилиши устидан тизимли назорат мавжуд бўлиши заруриятини тақозо қиласди. Бу босқичда прокурор, суд ва жамоатчилик назоратининг жиноят судлов ишини юритишнинг умумий асосларидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалари мазкур институтнинг қанчалик аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Умумий маънода ҳар бир хато нотўғри, ноаниқлик, хато, нотўғри фикр, нотўғри ёки нотўғри қадам, нотўғри ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва бошқалар деб талқин этилади.

Жиноят процессидаги хатолар процессуал қарорларни қабул қилиш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида юз бериши мумкин. Ақлий фаолиятдаги хатолар ишда тўпланган далилларни баҳолашда ҳам юзага келиши мумкин. Аммо бундай хатолар, жиноят ишида қабул қилинган ва чиқарилган қарорларда объектив ифодаланмаган.

“Илмий адабиётларда ва жиноий одил судлов амалиётида дастлабки тергов хатоларини таърифлашда кўпгина атамалар қўлланилади: “дастлабки терговнинг камчиликлари”, “дастлабки текширув камчиликлари”, “тергов хатолари”, “қонун бузилиши”, “қонун устуворлигининг бузилиши”, шу жумладан, “жиддий қоидабузарликлар”, “жиноий процессуал хуқуқбузарликлар”, “қонун нормалари”, “процессуал хатолар оқибатлари”, “терговчининг нотўғри тушунишлари” ва бошқалар”¹.

Россия Федерацияси Бош прокуратураси илмий тадқиқот институти олимлари “Тергов хатолари” атамасига қуйидагича таъриф берган: “Тергов хатолари - бу ноқонуний ва асоссиз ҳаракатлар орқали жиноий жавобгарликка тортиш ва ҳибсга олиш, ишни ноқонуний равишида тўхтатиб туриш, тугатиш, айблов хulosаси билан прокурорга ўтказиш, ишларни судга юборишдир”².

¹Д.А.Назаров. Суд хатоларида тергов хатоларининг аниқланиши.– . 2002. – 10 бет.

²Муаллифлар жамоаси: В.Н.Исаенко, Л.П.Исмакаев, В.А.Лазарева, А.А.Леви, В.Н.Махов, Е.С.Радутная, А.Б.Соловьев(жамоа раҳбари), М.Е.Токарева(раҳбар ўринбосари), С.А.Шейфер. Дастлабки тергов босқичида хатоларни тўғирлашнинг ҳаракети, сабаблари ва усуслари: Методик қўлланма. – М., 1991. 7, 8бетлар.

Рус олими А.Д.Бойковнинг фикрича, тергов хатоси сифатида “нотўғри хатти-ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқсан ҳар қандай ноқонуний ёки асоссиз қарор тушунилиши лозим”¹.

Шубҳа йўқки, барча тушунчаларни ҳам тугал, яқдил фикр деб бўлмайди.

Юқорида таъкидланган атамалар мазмuni кенг доирани ўзида акс эттириб, тадқиқотнинг ихчам доирада амалга оширилмаслиги ишнинг мазмуний кетма-кетлигига, фойдаланувчига содда ва тушунарли фикрни етказиб беришда муаммоларни юзага келтириб чиқаради.

Шу боис, биз тадқиқот муаммолари билан боғлиқ ҳолда, “дастлабки терговдаги тизимли камчилик”лар ҳақида фикр юритамиз.

Дастлабки тергов давомида терговчилар турли хил тизимли камчиликларга йўл қўйиши мумкин: моддий ва процессуал қонун нормаларини бузиш, нотўғри талқин қилиш, криминалистиканинг тактик, техник тавсияларига амал қиласли.

Жиноят процессида конституциявий ҳуқук ва эркинликларга риоя қилинмаслигитерговдаги тизимли камчиликларнинг асосий қисмини ташкил қиласди. Бевосита ушбу турдаги хатоларнинг ўзига хос хусусиятига кўра, гарчи салмоғи 7,4%ни ташкил этсада, бироқ, уларнинг аҳамиятини эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Ўрганилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, жиноят процессида “тизимли камчилик” тўғрисида ягона тушунча ва унинг белгиларининг аниқ сони белгиланмаган. Кўпинча, у тергов ҳаракатларининг етишмаслиги, тўлиқсизлиги билан аниқланади ёки унинг натижаси сифатида тушунилади. Адабиётда мавжуд бўлган тергов камчиликларининг таърифи унинг умумий табиати, индивидуал хусусиятларининг ноаниқлиги билан ажralиб туради, бу эса унинг моҳиятини тушунишда камчиликларга олиб келади.

¹Д.А.Бойков. Жиноят суд иш юритишида конунийликни мустаҳкамлаш ва тергов хатоларини тўғирлаш масалалари. - М., 1988. 14-15 бетлар.

Турли қарашларга кўра, “дастлабки терговдаги тизимли камчилик” – бу жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни олиб борувчи икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахслар – суриштирувчи, терговчи ва ушбу шахслар билан тенг мақомда жиноят ишини юритаётган бошқа шахслар (бундан бўён терговчи деб юритилади) томонидан тақорорий йўл қўйилаётган камчиликлар хисобланади.

Бу борада ўрганиш ўтказилган бир неча диссертация мавзуларида камчиликларга йўл қўйилиши “тергов хатолари”¹ деб номланади. Қайд этиш ўринлики, барча соҳаларда бўлгани каби инсон омили билан боғлиқ бўлган жиноят процессида ҳам камчиликларга йўл қўйилиши эҳтимоли мавжуд. Бу, ўз навбатида, бу жараёнда кўплаб хатоларга йўл қўйилишини англатади. Бироқ, тадқиқот доирасида дастлабки тергов жараёнидаги барча камчиликларни қамраб олишнинг имкони йўқ. Бундан ташқари, жиноят иши бўйича тўлиқ электрон иш юритишнинг жорий этилмаганлиги бунга ўз таъсирини ўтказади деган фикри илгари суриш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бир неча тергов жараёнида учраётган ва таъбир жоиз бўлса, “хато амалиёт”га айланиб қолаётган камчиликлар ташвишли ҳол бўлиб, ўз ўрнида уларни олдини олиш юзасидан зарур чоратадбирлар кўришни тақозо қиласди.

Шу боис, биз ушбу тадқиқот ишида прокуратура органларида мунтазам равища йўл қўйилаётган тизимли камчиликлар ва уларни олдини олиш бўйича фикр юритамиз.

Чунки, атаманинг юридик маъноси ва юриспруденцияда шаклланган тушунчалар терговдаги тизимли камчиликларни англашимизга имкон беради. Сабаби камчиликлар мансабдор шахснинг муайян ҳолатни янгиш тушунишида, тегишли маълумотни хато баҳолашда ва жиноят ишида нотўғри тактик ва процессуал қарорлар қабул қилишда ифодаланади.

¹ Назаров А.Д. Следственные и судебные ошибки и уголовно-процессуальный механизм их устранения: концептуальные основы – тема диссертации по ВАК РФ 12.00.09, доктор юридических наук, 2017 г.

Абубакирова А.А. Следственные и экспертные ошибки при формировании внутреннего убеждения – тема диссертации по ВАК РФ 12.00.09, доктор юридических наук, 2010 г.

Барсунова Т.В. Неотложные следственные действия и ошибки при их производстве – тема диссертации по ВАК РФ 12.00.09, кандидат юридических наук, 2003 г.

Жиноят процессида “тизимли камчилик” ўрнига “тўлиқ эмаслик”, “бўшлиқ”, “етишмовчилик” каби атамалардан нотўғри фойдаланиш унинг тушунчасини бузади. Шу боис, тизимли камчиликка хос бўлган қуидаги белгиларни фарқлаш лозим:

- суриштирувчи ва терговчи шахси ва унинг касбий фаолияти билан боғлиқлиги;
- ҳолат ёки қонун нормасига нисбатан нотўғри тушунишнинг мавжудлиги;
- процессуал ҳаракатлари ва қарорлар натижасида содир бўладиган оқибатнинг юзага келиши.

Тизимли камчилик тушунчасининг таърифини ҳисобга олсак, илм-фанда атамалар мавзусида аниқлик киритиш муҳим аҳамиятга эга. Терминологик аниқлик қонуний изланишларнинг зарурӣ элементи бўлиб, бу талабдан четга чиқиш кўплаб муаммоларга, айниқса, назарий таклифларни ишлаб чиқишида тушумовчиликларга олиб келиши мумкин.

Фикримизча, **“дастлабки терговдаги тизимли камчилик”** – бу тергов фаолиятида кадрларни тайёрлаш ва танлаш, жиноят ишларини тақсимлаш, ишларни режалаштиришда ҳамда дастлабки терговни амалга оширувчи икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахслар томонидан бир неча жиноят ишлари бўйича моддий ва процессуал қонун нормаларига риоя қилмаслик, шунингдек, криминалистик тавсияларга амал қилмасликда ифодаланадиган ва мунтазам равишда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳисобланади.

Ўйлаймизки, мазкур тушунчанинг умумий доирадан ажратилиб олиниши, тадқиқот иши бўйича фойдаланувчига унда назарда тутиладиган қарашларнинг қулай, осон ва содда фикрда етказиб берилишига ёрдам беради.

1.2. Дастлабки тергов жараёнида юзага келадиган тизимли камчиликлар таснифи

Дастлабки тергов жараёнида тизимли камчиликларнинг турли хил кўринишлари уларни тизимлаштириш лозимлигини тақозо қиласди.

Тизимли камчиликларнинг мавжуд таснифидаги умумий камчилик шундан иборатки, тергов камчиликларининг ҳар бир тури учун ўз бўлиниш мезонидан фойдаланади.

Россиялик ҳукуқшунос олим Е.В.Морозова ўз тадқиқотида терговдаги хатоларни инсон фаолиятининг турига қараб уч гурухга ажратади: техник, тактик ва стратегик.

Жиноят процессида техник хатолар камроқ сезилади, чунки улар дастлабки терговда жиноят изларини маҳсус текшириш пайтида содир бўлади, яъни жиноят излари билан ишлашда техник воситалардан фойдаланишда бу жараённи кузатиш мумкин.

Тактик хатолар энг кўп учрайдиган ҳолатлар бўлиб, улар тергов ҳаракатлари давомида терговчи томонидан тактик қоидаларга риоя қилмаган ҳолларда содир этилади.

Стратегик хатолар терговчи томонидан тергов жараёнининг дастлабки, асосий ва якуний босқичларида процессуал ва ташкилий-бошқарув фаолиятида йўл қўйилади¹.

Яна бир ҳукуқшунос олим А.А.Аубакирова бу борадаги турли қарашларни илгари сурган ҳолда, тергов хатоларини қўйидагича таснифлайди: ташкилий, жиноят-процессуал, тактик ва психологик. Исботлаш жараёнида эса, хатолар далилларни тўплаш ва баҳолаш босқичида мавжуд бўлади. Шунингдек, хатолар масъул орган мансабдор шахсининг онги ва ҳаракатлари билан боғлиқ. Тергов хатоси онг фаолияти натижаси ҳисобланади.

¹ Морозова Е.В. Криминалистические проблемы следственных ошибок – тема диссертации по ВАК РФ 12.00.09, кандидат юридических наук, 2004 г.

Бундан ташқари, у жиноят процессида тергов хатоларини қуидагича таснифлайды:

1. Психофизиологик ва мантиқий-физиологик. Бу жараён далилларни түплаш ва баҳолаш босқичида кузатилади;
2. Техник. Исботлаш маълумотларини ўлчаш, ҳисоблаш ва рўйхатга олиш билан боғлиқ хатолар;
3. Ташкилий-тактик. Криминалистик тавсияларни нотўғри қўллаш ва фойдаланишда ифодаланади;
4. Жиноят-процессуал. Жиноят-процессуал кодекси нормаларининг бузилишида кўриш мумкин;
5. Жиноят-хуқуқий. Жиноят кодекси нормаларини нотўғри қўллаш, қилмиш квалификациясининг бузилиши билан боғлиқ вазият ҳисобланади;
6. Комплекс. Бу умумий субъектларга хос камчиликлар бўлиб, терговчи, мутахассис, эксперт, прокурор ва суд томонидан йўл қўйилган ва бартараф этилмаган камчиликлар деб тушуниш мумкин¹.

Хуқуқшунос Д.А.Назаровнинг фикрича, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган терговдаги тизимликамчиликларнинг таснифини қуидаги сабабларга кўра улардаги концепциянинг моҳиятини акс эттирувчи сифатида кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга².

1. Моҳиятига кўра:
 - иш ҳолатларини ўрганишнинг тўлиқ эмаслиги, бир томонламалиги билан изоҳланган тергов хатолари;
 - белгиланган ҳаракатларга риоя қилмасликда ифодаланган тергов хатолари;
 - инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари жараёни;
 - жиноий процессуал қонунини нотўғри қўллашдан келиб чиқадиган тергов хатолари;

¹ Аубакирова А.А. Следственные и экспертные ошибки при формировании внутреннего убеждения – тема диссертации по ВАК РФ 12.00.09, доктор юридических наук, 2010 г.

² Назаров А.Д. Суд хатоларида тергов хатоларининг аниқланиши.– . 2002. – 18-21 бетлар.

- жиноят қонуни нормаларини нотұғри қўллашдан келиб чиқадиган тергов хатолари.

2. Терговчи томонидан йўл қўйилган хатонинг характеристига қараб:

- жиноят ишини бошланмаганлиги (қўзғатилмаслиги);
- жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсни нотұғри ушлаб туриш (ушлаб турмаслик); гумон қилинувчига (айбланувчи) нисбатан нотұғри эҳтиёт чорасини танлаш;
- айбланувчини ушлаб туриш муддатини ноқонуний узайтириш.
- айбланувчи тариқасида шахсни нотұғри жалб қилиш (қонунга зид равища жалб қилмаслик);
- ҳар қандай процессуал ҳаракатни нотұғри ўтказиш (ўтказмаслик);
- дастлабки терговнинг нотұғри тўхтатиб қўйилиши;
- жиноят иши нотұғри тугатилганлиги, тўхтатилганлиги (тугатилмаганлиги ёки тўхтатилмаганлиги);
- жиноий хуқуқбузарликларни нотұғри квалификация қилиш ва моддий қонунни қўллашдаги бошқа хатолар.

3. Тергов хатолари аниқлаган жиноят процессининг предметига қараб:

- прокурор назорати жараёнида прокурор томонидан аниқланган ва терговчи томонидан ноқонуний қарорларни бекор қилиш тўғрисидаги қарорларда, қўшимча ҳужжатда кўрсатилган тергов хатолари;
- тергов бўлими бошлиғи томонидан идоравий назоратни амалга ошириш жараёнида аниқланган ва терговчига ёзма кўрсатма тарзида бериладиган ҳужжатлардаги тергов хатолари;
- судья томонидан жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилигини ўрганиш бўйича аниқланган тергов хатолари;
- айбланувчини қамоқда сақлаш, қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ва бошқа шикоятлар бўйича судъянинг бундай шикоятларни қондириш тўғрисидаги қарорида кўрсатган вабошқа назоратни амалга ошириш пайтида судья томонидан аниқланган хатолар;

- судда иш юритиш пайтида, биринчи ёки апелляция, кассация, назорат инстанцияларида, янги очилган ҳолатлар түғрисидаги ишлар қўзғатилганидан кейин, хукмни ижро этиш босқичида аниқланган хатолар;
- тергов ёки тезкор-қидирув органи раҳбари томонидан жиноят иши доирасида аниқланган ва тўғри қарорлар қабул қилиш орқали тўғирланган хатолар;
- жиноят процессининг бошқа иштирокчилари (айбланувчи, жабрланувчик, адвокатлар, фуқаровий даъвогар, қонуний вакиллар ва бошқалар) томонидан аниқланган, улар томонидан шикоятлар, аризалархамда аризалардаги важлар қонунда белгиланган тартибда қондирилган тергов хатолари.

4. Терговчининг ҳаракат ёки ҳаракатсизлигига кўра:

- терговчи томонидан билмаган ҳолда, ўз ички ишончига таяниб йўл қўйиладиган тергов хатолари;
- терговчи томонидан қонуннинг айрим талабларини эътиборсиз қолдириш орқали амалга ошириладиган қасддан қилинган тергов хатолари. Бу хатолар тергов қилиш учун аҳамиятсиз бўлиб, жиноят иши қўзғатилишига ва иш юритишни амалга оширишга тўскенилик қилмайди.

Хукуқшунос ва ёзувчи Ю.Ф.Ферраро терговнинг қуйидаги этти босқичини фарқлаб кўрсатиб, хато ва камчиликлар ҳам ушбу босқичларда мавжуд бўлишини қайд этиб ўтган¹:

1. Баҳолаш. Мавжуд ҳолатга, шикоятга баҳо бериш. Ишни бошлашдан олдин хабардор қилиниши керак бўлганларга ойдинлик киритилади.
2. Тайёрлаш ва режалаштириш. Барча олд-тайёргарлик ва тайёргарлик ишларидан бошланади. Бу раҳбарият томонидан белгиланган мажбуриятларни бажариш каби тадбирларни ўз ичига олади. Бунда, режаларни муҳокама қилиш, вақт жадвалини белгилаш, ишни тўғри бажариш учун далилларни тасдиқлаш, керакли ресурсларни тўплаш босқичи бўлади.

¹**Ю.Ф.Ферраро.** Тергов сұхбати. – 2015. -26-33 бетлар. (Taylor & Francis Group, LLC CRC Press is an imprint of Taylor & Francis Group, an Informa businessNo claim to original U.S. International Standard Book Number-13: 978-1-4665-9087-8)

3. Ахборот тўплаш ва далилларни топиш. Бу тергов босқичи терговчидан ушбу усулларни бирлаштиришни, уларни аниқ кетма-кетлиқда ва ўлчовда жойлаштиришни талаб қилади.

4. Текшириш ва таҳлил қилиш. Бу босқич маълумотларни йиғиши ва далилларни таҳлил қилиш жараёнини қамраб олади. Бунда тергов сұхбатлари мұхим аҳамиятга эга. Бирок, терговчилар тез-тез батафсил тергов сұхбатларидан бош тортадилар ва ишнинг тугатилишини ёки ҳатто ҳибсга олининини ағзал кўришади.

5. Қарор қабул қилиш. Бу босқичда натижалар йиғилиб, қарор қабул қилинади ва назорат учун ваколатли шахсларга тақдим этилади.

6. Жавобгарлик чораларини қўллаш. Терговчи, аввало, қонунда берилган ваколатлар доирасида жавобгарликни қўллаш чораларини кўради. Айрим ҳолларда, бу назорат қилувчининг хабардорлигига мустақил амалга оширилиши ҳам мумкин.

7. Профилактика. Терговчи жиноятларнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаш ва уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш ишини амалга ошириб, келгусида бу каби камчиликлани олдини олиш чоралари кўрилиши лозим.

Эътибор қаратадиган бўлсак, кўпчилик қарашларга кўра, илгарилаб бораётган замонда тергов камчиликларини бартараф этилишида суд ҳокимиятининг роли ва аҳамияти кундан қунга ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Зоро, “Суд-хуқук ислоҳотларининг туб мазмун-моҳияти ҳам фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган хуқук ва манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни кафолатлашга, одил судловнинг сифати ва самарадорлигини янада оширишга, бу вазифаларни амалга ошириш учун суднинг обрўси ва мавқеини қўтаришга, унинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган”¹.

¹ **Б.Ў.Жамолов.** Суд – инсон ҳуқуқларини ҳимоячиси. // Инсон ҳуқуқларини суд ва суддан ташқарида ҳимоя қилиш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 212 б.

Қайд этилган фикрлардан хulosа қилиш мүмкінки, дастлабки терговдаги тизимли камчиликларни юқорида күрсатилғандек таснифлаш деталли амалга оширилған бўлсада, бироқ, фойдаланувчига содда ва равон тилда баён этиш имконини бермайди. Бундан ташқари, ушбу тадқиқот ишларида тергов хатолари таснифланиб, улар умумий хусусиятни касб этади. Инсон омилига боғлиқ ҳолда, хатоларга йўл қўйилишида терговчи шахси каби ҳолатларга ойдинлик киритилмаганлиги ҳам ушбу рўйхатни тўла-тўкис деб атамишга тўсқинлик қиласди.

Фикримизча, дастлабки терговдаги тизимли камчиликларни қўйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ:

1. Кадрларни тайёрлаш, танлаш ва ишларни ташкиллаштиришда юзага келадиган тизимлик камчиликлар;
2. Моддий ҳуқуқ нормаларининг тизимли бузилишида ифодаланадиган камчиликлар;
3. Процессуал ҳуқуқ нормаларининг тизимли бузилиши билан боғлиқ камчиликлар.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, криминалистика соҳаси тавсияларига риоя қилмаслик билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳат борки, ушбу ҳуқуқ тармоғи бевосита моддий ва процессуал ҳуқуқ билан боғлиқлиги боис, ушбу таснифлар доирасини қамраб олади.

Қайд этиш жоизки, кадрлар масаласи гўёки дарахтнинг туб илдизига ўхшаш бўлиб, келгусида терговчи шахсининг талаб даражасида бўлишига бу масаланинг ўрни бекиёс. Чунки, ўтган давр мобайнида бу борадаги кузатишлар шуни кўрсатадики, таълим соҳасидаги муаммолар, қолаверса, амалиёт билан уйғунликни истисно этувчи ўқув дастурларининг номувофиқ равишида тузилганлиги ҳам бевосита тадқиқот мавзусига оид жараёнда тизимли муаммоларнинг тўпланиб қолишига замин яратди.

Шунингдек, кадрларни ишга қабул қилишда шаффоф механизмларни қўллаш билан боғлиқ яна бир муҳим масала борки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли ҳимоя қилиш билан боғлиқ жараёнда бевосита

иштирок этувчи мансабдор шахсларни хизматга қабул қилиш учун бугунги кун замон талабига жавоб берувчи номзодларни танлаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот мавзуси доирасида кейинги ўринлардан жой олган амалий материаллар таҳлили шуни қўрсатадики, моддий ҳукуқ нормаларининг тизимли равища бузилиши, қилмишни квалификация қилишда ҳукуқ нормаларни нотўғри қўллаш айрим ҳолларда фуқароларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини жиддий бузилишига сабаб бўлмоқда. Бу борада, норматив-ҳуқукий, раҳбарий ҳужжатлар ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари бу каби қонун бузилиги ҳолатларини олдини олиш имконини берсада, бу каби камчиликларга йўл қўйилиши ачинарли ҳолат саналади. Бу эса, тергов ходимларининг ҳуқукий савиясини оширишни талаб этади.

Таъкидлаш ўринлики, процессуал ҳукуқ нормаларининг тизимли равища бузилиши, нафақат, ҳуқукий онгнинг етарли даражада эмаслигига, балки, ҳуқукий маданиятга риоя этишда, ҳуқукий нигилизмнинг мавжуд бўлиши билан ҳам изоҳланади. Бу эса, ўз навбатида, таснифимизнинг биринчи рўйхатидан ўрин олган кадрлар масаласига ҳам алоқадор.

Амалиёт материалларидан хulosа қиладиган бўлсак, процессуал ҳукуқ нормаларига риоя этилмаслиги ҳимоя ҳуқукининг бузилиши, вояга етмаган шахсларга оид ишларда қонуний вакилнинг иштирокига имконият яратилмаслиги, кўздан кечириш тергов ҳаракатларининг ўтказилмаслиги, манфаатдор шахсларга иш материалларининг таништирилмаслиги, холисларни жалб этиш қоидаларига риоя этилмаслигига ифодаланади.

Бироқ, мавжуд вазият, нафақат, жиноят-процессуал ҳукуқ нормаларининг, балки, ушбу нормаларга асос бўлиб хизмат қилган конституциявий ҳукуқ нормаларининг ҳам бузилишига олиб келмоқда.

Ўйлаймизки, юқорида таъкидлаб ўтилган бундай классификация ушбу жараёнда юз бериши мумкин бўлган барча ҳолатларни ўз ичига олиб, фойдаланувчида тадқиқот ва мавзу юзасидан аниқ ва лўнда фикрларнинг шаклланишига хизмат қиласди.

II БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ТИЗИМЛИ КАМЧИЛИКЛАРНИ ЮЗАГА КЕЛТИРУВЧИ ОМИЛЛАР ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАР

2.1. Кадрларни тайёрлаш, танлаш ва ишларни ташкиллаштиришдаги тизимли муаммолар

Барча соҳаларда бўлгани каби, ишни судга қадар юритиш босқичида кадрларни тайёрлаш ва танлаш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда, юридик кадрлар тайёрлаш тизимини самарали ташкил этиш масаласи қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Юридик соҳада олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ишини амалга ошираётган Тошкент давлат юридик университети, Қорақалпоғистон давлат университети, Ички ишлар вазирлиги Академияси каби таълим муассасаларида таълим жараёни юриспруденция мутахассислигига оид фанлар билан қамраб олинган.

Прокуратура органларининг ўқув-таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси саналиб, бугунги кунда ушбу муассаса нафақат прокуратура органларида амалда фаолият кўрсатаётган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан, балки юриспруденция соҳасида магистратура мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлаш билан ҳам шуғулланмоқда.

Академияда магистратура бўлими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2018 йилдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5438-сонли Фармони¹ билан ташкил этилган.

Сўнгги янгиликлардан бири шуки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.04.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

¹ Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2018 й., 06/18/5438/1189-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон, 02.11.2018 й., 06/18/5566/2153-сон, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

тўғрисида”ги ПФ-5987-сонли Фармони¹ билан Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида «юриспруденция» йўналиши бўйича юридик факультетлар ташкил этилди.

Албатта, ҳар бир таълим муассасасида бўлгани каби ўқув фанлари дастур асосида амалга оширилади.

Масалан, Ички ишлар вазирлиги Академиясида 2019-2020 ўқув йили учун мўлжалланган “Жиноят процесуал ҳуқуқи” фани дастури Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Бу борада юридик таълимнинг амалиёт билан уйғунлигини таъминлаш мақсадида норматив-ҳуқуқий хужжатларда қатор талаблар назарда тутилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2017 йилда “Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2932-сон қарори²нинг 1-банди саккизинчи хатбошисида назарий билимларни қонунчилик фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқлигини, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура билан фаол ҳамкорлик орқали таъминлаш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 31.12.2013 йилда 2548-сон билан давлат рўйхатига олинган “Юридик таълим муассасалари талabalari томонидан таништирув ва малакавий амалиётни, шунингдек стажировкани ўташ тартиби тўғрисида”ги Низом³га кўра, назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва маҳорат ҳосил қилиш, таълим дастурининг маълум (якуний) қисмидаги мавзуси бўйича материаллар тўплаш учун амалиёт ўталиши назарда тутилган.

¹ Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон.

² Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 335-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 13-модда.

Бироқ, ушбу талаблар ижросини бугунги кунда тўлақонли ташкил этилган деб бўлмайди.

Жумладан, Ички ишлар вазирлиги Академиясида 2019-2020 ўқув иили учун мўлжалланган “Жиноят процессуал ҳуқуқи” фани дастурида гарчи курсантларнинг амалиёт материаллари билан фойдаланишлари орқали уларнинг амалий кўникмаларини ошириш белгиланган бўлсада, у ҳам ҳукуқни қўллаш амалиёти билан бевосита боғланмаган.

Амалиётни ўташ дастури ҳам илмий-назарий томонга алоқадор бўлиб, талабаларда ҳукуқни қўллаш амалиётидан ҳаққоний равища хабардор бўлиш имконини бермайди.

Бундан ташқари, юридик таълим муассасалари салмоғининг камлиги ҳам бунга сабаб бўлади десак хато қилмаган бўламиз. Масалан, педагогика йўналиши бўйича ҳар бир вилоятда педагогик факультетлар мавжуд.

Ваҳоланки, республика бўйича юридик соҳада кадрларга эҳтиёж катта бўлиб, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий хужжатларда ушбу масала асосий муаммолардан бири сифатида қаралмоқда.

Шу боис, назарий билимларнинг амалиёт билан уйғунлигини таъминлаш мақсадида юридик таълим муассасаларининг ҳукуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда бу ишларни ҳаққоний тарзда амалга оширишларини таъминлаш талаб этилади.

Бугунги кунда, талабаларнинг амалиёт дастурлари фан дастурлари талабларини такрорлаб, номигагина тузилмоқда. 2013 йилдан бошлаб ушбу амалиёт жорий этилган бўлиб, ўтган давр мобайнида фан дастурлари бир неча маротаба ўзгарган бўлишига қарамасдан, амалиёт дастурлари ўз ҳолича қолган. Бу эса, бу борада ҳам янгича ёндашувни талаб қиласди.

Прокуратура органларида иш ўрганувчиларнинг иш ўрганиш тартибини назарда тутувчи дастурдан бу жараёнда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мавзу доирасида галдаги асосий масала кадрларни танлаб олиш тизимини самарали ташкил этишга тааллуқли.

“Кадрлар сиёсати – бу сифати ва сони бўйича ишчи кучига бўлган талаб билан аниқланиб, ишга жалб қилиш ва иш жойларини тўлдириш ҳамда улардан фойдаланишни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқишидир”¹.

“Ҳаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни бажариш учун кадрлар билан ишлашининг бутун тизимини тақомиллаштиришига доир бир қатор ишларни, албатта, амалга оширишимиз керак.

Ҳозирги вақтда давлат ва ҳокимият идораларида кўп ҳолларда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг вазифа ва ваколатлари тақсимоти оқилона ва самарали йўлга қўйилмагани сезилмоқда.

Энг ёмони, бу ҳолат ишишимизга халақит бермоқда. Бир идорани қарасангиз, юзлаб одам номига ишлаб ўтирибди. Бошқа идорани қарасангиз, иши кўп, вазифа кўп, лекин ишлайдиган одам, кадр етишимайди.

*Бундай нотўғри иши тақсимотига мутлақо чек қўйишининг вақти етди. Ҳар бир давлат хизматчиси ўзининг бурчи ва мажбуриятини аниқ-равшан билиши, содда қилиб айтганда, ўз аравасини ўзи тортиши лозим*².

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 2-моддасига кўра, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча ахолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади.

Кўриниб турганидек, кадрларни танлаш жараёнини тартибга солувчи меҳнат муносабатлари нафақат ходимлар ва иш берувчилар, балки давлат манфаатларини ҳам назарда тутади. Чунки, жиноят процессида кадрлар масаласига пухта ёндашилиши давлат номидан иш юритувчи мансабдор

¹ <http://old.mehnat.uz/cyrl/page/kadrlar-siyosati>.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Президент лавозимига киришиш тантанали маросимига бағищланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқидан. https://www.norma.uz/muhim_voqealar/erkin_va_farovon_demokratik_uzbekiston_davlatini_mard_va_olijanob_hal_qimiz_bilan_birga_quramiz.

шахслар томонидан фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, прокуратура органларида кадрларни танлашга оид масалалар қатор қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 43-моддасига мувофиқ, прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар, суриштирувчилар ва иш ўрганувчилар лавозимига олий юридик маълумотга эга, зарур касбий фазилатлари бўлган, зиммаларига юкландиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинланади.

Алоҳида ҳолларда, прокуратура органларидаги хизматга иқтисодиёт, молия, социология, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ва бошқа соҳаларда олий маълумотга, зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар қабул қилиниши мумкин.

Қайд этилган Қонуннинг 48-моддасида белгиланган тартибда, прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Шунга кўра, 12.09.2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ПҚ-2036-сонли қарори қабул қилинган.

“Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низомнинг 6-банди иккинчи хатбошисига кўра, прокуратура органларига хизматга қабул қилишда номзодларнинг мазкур Низомда белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиш мақсадида текшириш ҳамда маҳсус комиссия томонидан билим савияси, зарур касб малакаси ва ишchanлик қобилиятини аниқлашга қаратилган мажбурий сухбат ўtkазилиши белгиланган.

Шу асосда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қабул қилинган соҳавий буйруқ асосида, мазкур фаолият тартибга солиб келинмоқда.

Бироқ, қайд этилган ҳужжатларда хизматга қабул қилиш ҳақида хулоса қилинган ходимларни уларнинг темпераментига қараб тақсимлаш назарда тутилмаган. Бу борада, танлаб олинган кадрларга лавозимларни тақсимлашда психологик ёндашув тўғри йўлга қўйилмаган.

Бу эса, ўз навбатида, прокуратуранинг муайян йўналишида ишлаётган айrim ходимларнинг ўз иш фаолиятига нисбатан салбий муносабатини ҳам шакллантириб қўяди.

Темперамент – ақлий жараёнларнинг динамикаси билан боғлиқ индивидуал психофизиологик шахсий хусусиятларнинг барқарор тўплами¹.

Милоддан аввалги 460-377 йилларда яшаган юонон табиби Гиппократ инсонларнинг хулқ-атворини фарқловчи белгиларига қараб уларни бир неча типларга ажратган: холерик, сангвиник, флегматик ва меланхолик².

В.Лебедевнинг фикрича, холерик темпераментли кишилар касбий билимларни тез ўзлаштиришсада, уларни амалга оширишда тез-тез хатоларга йўл қўйишади, ҳодисаларда илдамлаб кетишга мойил бўлишади. Улар одатий топшириқлардан кўра, асосий топшириқларни тезда ўзлаштиришади. Топшириқни амалга оширишда кўп савол беришади. Тез ишлашади ва ташаббускор ҳисобланади. Уларнинг ҳисботи жонли ва намунавий бўлади. Бироқ, бундай темпераментли кишиларда шошилинч ҳаракатлар кузатилиб, улар диққатни жамлашга қийналишади.

Темпераментнинг сангвиник типига мансуб кишилар турли вазифаларни бажаришда ўта аниқликни намоён қилишади, янги ҳолатларда мўлжални тез олиш билан тавсифланади. Ишда қатъиятлилик ва хотиржамликка катта эътибор беришиб, ҳисботда аниқ ва лўнда

¹ <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/Темперамент>.

² И.Мирзаев, Э.Гуртуева, Т.Яцюк, М.Алиева. Русский язык. Практический курс. Учебное пособие. “Ўқитувчи” нашриёти. 1993 й. 85-86 бетлар.

фикрлардан фойдаланишади. Сермулоҳазалик, қизиқувчанлик уларга хос хусусият ҳисобланади.

Флегматик темпераментига эга шахслар бошқа типлардан берилган топшириқ юзасидан кам савол бериши, берилган саволда ҳам алоҳида мазмун касб этиши, топширилган вазифани хотиржам, тартибли, шошилмасдан бажариши, шунингдек, объектив, батафсил ва тизимли ҳисобот бериши билан фарқланади. Собитқадамлик, кузатувчанлик, жиддийлик ушбу темперамент эгаларига хосдир.

Темпераментнинг меланхолик типига мансуб кишиларда тортинчоқлик, қатъиятсизлик, журъатсизлик каби хусусиятлар мавжуд бўлади. Улар янги вазиятлар, янги одамлардан, улар билан мулоқотдан чўчишади, шу сабабли, ўзларини бошқалардан ажралган ҳолда тутишади.

Фикримизча, айнан мана шу типларга қараб кадрларни танлаб олиш масаласини ҳал қилиш катта самара беради. Амалиётда, зиммасига юклатилган вазифаларни бажара олмасдан, вазифасидан ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидан бўшаб кетган ходимларни кўп учратиш мумкин. Назаримизда, вазифа юклатилган шахснинг темпераменти топшириқнинг хусусиятига боғлиқ бўлмаслиги ҳам бунинг сабабларидан бири бўлган.

Юқорида санаб ўтилган тўртта темпераментнинг таҳлил қиласиган бўлсак, жиноят процессида қатнашувчи мансабдор шахсларни вазифасига тайинлашда флегматик типга мос шахсларни танлаб олиш самара беради. Албатта, бу жараён вазифага қўйилгунга қадар психологик текширув ҳамда психологик тавсияни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши зарур.

Сўнгги йилларда давлат хизматчиларининг касбий сифатлари ва хизматларини объектив баҳолаш орқали давлат хизматини самарали ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.10.2019 йил қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли Фармони¹ ҳам мазкур соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди десак, хато қилмаган бўламиз.

Фармоннинг 2-банди иккинчи хатбоисида, касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилона ва объектив баҳолаш асосида энг муносиб ва қобилиятли шахсларни давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ҳамда уларнинг хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи меритократия тамойилини қўллаш давлат фуқаролик хизматини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Давлатимиз раҳбари 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси²да бугунги кунда кадрлар масаласини танқид қилиб, қуйидаги фикрларни билдирган:

“Бугун оддий бир ҳақиқатни тан олишиимиз керак. Давлат идораларида малакали ва етук кадрлар етишимаяпти. Ҳанузгача давлат хизматчиларининг маҳоми белгиланмаган, давлат хизматига қабул қилишининг ошкора механизмлари ишилаб чиқилмаган. Бу борадаги муаммоларни ҳал этиши учун, аввало, давлат хизматчилари фаолиятини холисона баҳолаш бўйича самарали тизим жорий этиши зарур”.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи ва терговчилар фаолиятини баҳолаш тартиби процессуал қонунчиликда ўз аксини топмаган.

“Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низомнинг 14-бандига мувофиқ, прокуратура органлари ходимларининг фаолиятини уларга юклатилган хизмат вазифалари доирасида баҳолашнинг асосий мезонлари ҳам умумий характерга эга.

¹ Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 06/19/5843/3900-сон.

² <https://kun.uz/99444746>.

Бундан ташқари, улар томонидан амалга оширилган ишлар хисоби ҳам марказлаштирилган тартибда хисобга олинмайди. Жиноят ишлари хисоби эса, фақат ишнинг мазмуни учун юритилади.

Баҳолаш мезонларининг белгиланмаганлиги уларни масъулиятли лавозимларга тайинлаш ёки йўл қўйилган камчиликлар асносида лавозимни пасайтириш ёхуд ундан озод этишда субъектив ёндашувларга сабаб бўлади.

Аслида, тадқиқот ишининг мазкур қисми учга бўлинган. Бири кадрларни тайёрлаш, иккинчиси уларни танлаш жараёнидаги тизимли камчиликлар бўлса, учинчи йўналиш ишларни ташкиллаштиришда юзага келадиган ва кўплаб учрайдиган камчиликлардан иборат.

Ишларни ташкиллаштиришдаги тизимли камчиликлар тергов устидан идоравий ва прокурор назорати ҳамда жиноят процессидаги мансабдор шахс томонидан иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатларини олиб боришда ишларни самарали ташкил этиш билан боғлиқ жараённи ўз ичига олади.

Суд-хуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда устувор вазифа шаффоф механизmlарни жорий этиш орқали инсон омили, энг аввало, коррупция хавф-хатарини бартараф этишга қаратилган.

Жорий йилнинг 10 март куни Ўзбекистон Республикасининг “Суд ишларини юритиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-607-сонли Қонуни¹ қабул қилиниб, ушбу Қонун билан “Судлар тўғрисида”ги Қонун “Судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш” деб номланган янги 69¹-модда билан тўлдирилиб, судларда ишларни автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тақсимланишининг хуқуқий асослари белгилаб берилди.

Фикримизча, ишларни тақсимлашда бу янгилик терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органларини ҳам четлаб ўтмаслиги лозим.

¹ Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон.

Чунки, бугунги кунда ходимга жиноятга оид ариза ва хабарлар ҳамда жиноят ишларини тақсимлашда орган раҳбарларининг субъектив ёндашувига тўлақонли шароит мавжуд. Бундан ташқари, мавжуд вазиятда ишларни ходимнинг иш ҳажми, стажи, тажрибаси ёки манфаатлар тўқнашувини олдини олишга риоя қилган ҳолда тақсимлаш тартиби мавжуд эмас.

Россия Федерацияси Олий Ҳакамлик судининг 2009 йилги 1-сонли ахборотномасидаги “Судьялар ўртасида ишларни автоматлаштирилган тақсимлаш тизими тўғрисида”ги мақолада¹ таъкидланишича, ишларни тақсимлаш судьянинг иш ҳажми, меҳнат таътили, меҳнатга лаёқатсизлик даври каби ҳолатларни ҳисобга олиш лозимлиги таъкидланган бўлиб, таклиф этилаётган автоматлаштирилган тизимни яратишда ушбу тавсияларни инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, “жиноят ишлари юритуви тартибининг ҳам кодификациялашган норматив-хуқуқий ҳужжат билан тартибга солиниши ушбу муносабатларда тезкорлик, аниқлик ва тизимлиликни таъминлайди”². Ушбу фикрга асосланадиган бўлсак, ишларни тақсимлаш тартиби ҳам Жиноят-процессуал кодексида акс этмоғи лозим.

Ушбу йўналишдаги яна бир муҳим жиҳат иш юритувдаги жиноят ишлари юзасидан тергов ҳаракатларини олиб борища ташкилий масалаларни ҳал қилиш билан боғлик.

Бу босқичда фаолият кўрсатувчи қўпгина мансабдор шахслар Жиноят- процессуал кодексидан ташқари суриштирув ёки тергов жараёнини тартибга солувчи бошқа норматив-хуқуқий ёки раҳбарий ҳужжатлар талабларига риоя этишмайди.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилда қабул қилинган “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунининг 35, 36-моддаларига мувофиқ, қамоққа олиш билан боғлик бўлмаган эҳтиёт

¹ <file:///C:/Users/Acer/Downloads/1298985082.pdf>

² С.Сахадинов. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шархлар. Умумий қисм. – Т. Тошкент, 2014. “Янги аср авлоди”.

чораси танланган айбланувчини профилактик ҳисобга олиш учун жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор нусхаси дарҳол айбланувчининг яшаш жойидаги ҳудудий ички ишлар органларига юборилиши лозим бўлсада, айрим ҳолларда қонуннинг мазкур талаблари бажарилмасдан қолишига йўл қўйилмоқда.

Хусусан, Қарши шаҳар 1-сонли ИИБ ҳузуридаги ТБ иш юритувида бўлган жиноят иши бўйича айбланувчи Ш. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан жиноят ишида айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган ва унга нисбатан гаров эҳтиёт чораси қўлланилган бўлсада, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор нусхаси айбланувчи Ш. нинг яшаш манзили - Қарши тумани ИИБга уни профилактик ҳисобга олиш учун юборилмаган.

Ёки, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 03.01.2019 йилда “Жиноят иши юритиш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қўшма кўрсатма билан жиноят иши юзасидан тергов режаси тузишнинг намунавий шакли тасдиқланган бўлсада, амалда режани намуна асосида амалга оширилиши таъминланмасдан қолмоқда.

Айнан, мана шу камчиликлар келгусида улар фаолиятини ўрганишда салбий фикр шаклланишига сабаб бўлади.

Бу борада, ишларни ташкиллаштиришда иш ҳажми билан боғлиқ яна бир муҳим масала борки, бугунги қунда бу масала тергов ҳаракатларини сифатсиз амалга оширилишига сабаб бўлаётган муаммо ҳисобланади.

Шубҳа йўқки, жиноят процессида ишни юритишга ваколатли бўлган шахслар зиммасига кўплаб вазифалар юклатилган. Жиноят ҳақида ариза ва хабарни келиб тушган вақтдан бошлаб жиноят ишини айлов хулосаси билан судга юборишгача бўлган жараён катта босқични қамраб олади.

Бироқ, бундай ҳаракатлар терговчидан кўплаб ақлий ва жисмоний куч сарфлашни талаб этади.

Таъкидлаш ўринлики, жиноят ишлари бўйича иш ҳажми ўтган йилларга нисбатан солиширилганда, салмоғи кам. Аммо, терговчининг бир жиноят иши доирасида амалга оширадиган ҳаракатлари талайгина. Мавжуд вазият тергов ҳаракатларининг сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Масалан, биргина қасдан одам ўлдириш жинояти бўйича ҳодиса жойига чиқкан терговчи нафақат мурдани кўздан кечириши, ҳодиса жойида ишга алоқадор далилларни аниқлаши, тезкор ходимларга топшириқ бериши, муайян шахсларни эшишиб, улардан тушунтиришлар олиши, шу билан бирга, белгиланган процессуал хужжатларни расмийлаштириши лозим. Каттароқ ҳажмли ишлар бўйича эса, сўроқ қилиниши лозим бўлган шахслар миқдорининг кўплиги, ҳодиса жойидан олинган ва экспертиза учун тайёрлаш талаб этиладиган далилий ашёлар ҳажмининг кўплиги бу босқичда бир эмас, бир неча кишининг меҳнатини талаб қиласи.

Шу боис, жиноят процессида терговчининг ёрдамчиси лавозимини жорий этиш белгиланган мақсадга тўлақонли эришишида ўз самарасини беради.

2.2. Моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда кўплаб учрайдиган камчиликлар

Ҳуқуқ назариясига кўра, моддий ҳуқуқ нормалари жамиятда юриштуриш қоидаларини белгиловчи хулқ-автор қоидалари мажмuinи ташкил этса, процессуал ҳуқуқ нормалари моддий ҳуқуқда белгиланган нормаларни қандай амалга ошириш тартибини белгилайди.

Ҳуқуқ нормалари ҳуқуқий тартибга солиш предмети, яъни ҳуқуқ тармоқлари бўйича давлат, фуқаролик, маъмурий, молиявий, меҳнат, жиноий ва бошқа тармоқларга бўлинади.

“Мазкур тармоқ нормалари ўз навбатида моддий ва процессуал нормаларга бўлинади. Моддий ҳуқуқ нормалари ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг ҳуқуқий мавқеини, ҳуқуқий тартибга солиш чегаралари ва ҳоказоларни мустаҳкамлайди. Улар субъектга ҳуқуқ унга нима беради-ю ва ундан нимани талаб қилишини кўрсатади.

Процессуал ҳуқуқ нормалари ташкилий муносабатларни тартибга солади. Улар алоҳида ташкилий, тартиб-қоида хусусиятга эга. Бу нормалар ҳамиша моддий ҳуқуқ нормаларини амалга оширишнинг тартиби, шакллари ва усулларини белгилаб беради. Процессуал ҳуқуқий нормалар моддий ҳуқуқ нормаларига нисбатан иккинчи даражали аҳамият касб этади”¹.

Назаримизда, дастлабки терговни амалга оширишда моддий ҳуқуқ нормаларининг тизимли равишда бузилиши деб, Жиноят кодексида тергов иши юритилишига оид жараённи тартибга соловчи нормаларга риоя қилмасликни, процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда кўплаб учрайдиган камчиликлар деганда эса, дастлабки тергов юритилишини тартибга соловчи нормаларга риоя қилмасликла ифодалангандарни тушуниш лозим.

Ушбу камчиликларнинг одатдагисидан фарқи шундаки, бунда муайян тизим ёки шахслар томонидан бир-бирига ўхшаш камчиликларга йўл қўйилиб, мазкур вазият улар фаолиятида кечиктириб бўлмайдиган ўзгаришлар қилишни талаб этади.

¹ З.М.Исломов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.: Адолат, 2007 йил. 668-бет.

Мазкур тадқиқот ишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тақдим этилган республикадаги барча даражадаги судлар томонидан суриштирув ва дастлабки тергов давомида йўл қўйилган камчиликлар юзасидан чиқарилган 426 та хусусий ажримлар ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Хусусий ажримлар сони ҳудудлар кесимида таҳлил этилганда, ушбу кўрсаткич Самарқандда 98 тани, Тошкент вилоятида 71, Қашқадарёда 66, Сирдарёда 37, Наманганда 35, Фарғона вилоятида 29, Тошкент вилоятида 22, Жиззахда 18, Сурхондарёда 12, Хоразмда 11, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятлари 7 тадан, Андижонда 6 тани ташкил этган.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатадики, суриштирув ва тергов органлари томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда йўл қўйилаётган камчиликлар бу борада қатъий чора-тадбирлар белгилаб олишни талаб этади.

Таҳлил этилган хусусий ажримлар асосида диссертация ишига илова этиладиган қўлланма яратилиб, тадқиқот иши билан ҳамоҳанг бўлади. Шу боис, тадқиқот ишининг мазкур қисми ҳам, асосан, амалий мисоллар билан ёритилган бўлиб, фойдаланувчидан дастлабки бобдан фарқли равишда ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан танишиш имконини беради.

Моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилишида етакчи ўринни қилмишни нотўғри квалификация қилиш эгаллайди. Бунинг ҳуқуқий салбий оқибати кўп ҳолларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказади.

Масалан, қилмишни нотўғри малакалаш айбланувчига нисбатан ишнинг хусусиятига номувофиқ бўлган эҳтиёт чорасини қўллашга олиб келиши мумкин.

Судланувчи X. ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиши мақсадида таниши Д. билан йўловчи автомашинада кетаётиб, автомашина ҳайдовчисидан йўл четига тўхтатишни сўраб, автомашина тўхтаганидан сўнг жабрланувчи Д.дан унинг телефон аппаратини

фойдаланиш учун сўраб олиб, автомашинадан тушиб, Д. чалғиб қолганидан фойдаланиб, унга билдирмасдан бошқа автомашинага ўтириб, телефон аппаратини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, воқеа жойидан яширинган.

Тергов органи томонидан X.нинг харакатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддаси 3-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилиниб, тергов давомида айбланувчига нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 11.10.2017 йилдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 14-бандига кўра, агар алдов шахс томонидан ўзганинг мулкини қўлга киритишни енгиллатиш мақсадида ишлатилган бўлиб, мулкни олиб қўйиш жараёнида мулкдор, мулк эгаси ёки бошқа шахс унинг асл ниятини сезиб қолган, айбдор буни англасада, бироқ мулкдор ёки мулк эгасининг эркига зид равишда мулкни ушлаб туришни давом эттирган бўлса, қилмиш талончилик, мулкдор ёки мулк эгасига билдирмасдан мулк билан яширинган ҳолларда эса, фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Судда, жабрланувчи Д. жиноятни амалга ошириш давомида судланувчи X. ҳеч қандай зўрлик ишлатмаганлигини, X. кетиб қолганлигидан кейинчалик хабар топганликларини, телефон аппаратлари олиб кетилаётганда, бундан хабардор бўлмаганликлари ҳақида кўрсатув беришган.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 5-қисмидаги етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги назарда тутилган.

Тергов давомида судланувчи X. томонидан етказилган зарар тўла қопланган бўлишига қарамасдан, дастлабки тергов органи томонидан қилмиш нотўғри малакаланганилиги, шунингдек, Жиноят кодексининг 166-моддасида зарарни қоплаганлик учун фирибгарлик жинояти учун

назарда тутилган рағбатлантирувчи норма кўрсатилмаганлиги боис, судланувчи X. суд хукмiga қадар қамоқда асоссиз сақланган.

Шу боис, суднинг ҳукми билан судланувчининг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 166-моддаси З-қисми “а” бандидан мазкур Кодекснинг 168-моддаси З-қисми “б” бандига қайта квалификация қилиниб, шу модда билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган ҳамда юқори турувчи тергов органига дастлабки терговда йўл қўйилган камчиликлар юзасидан хусусий ажрим киритилган.

Ёки, судланувчи А. ўзи яшаб келаётган уйнинг томорқа ерида З туп қуритилган ҳолдаги соф вазни 1,42 граммга teng булган тақиқланган гиёхвандлик ўсимлиги ҳисобланган “каннабис” (каноп) ўсимлигини ғайриконуний равишда экиб, парваришлаб келган.

Бундан ташқари, тезкор-қидирув ходимлари томонидан ўтказилган назорат тариқасида гиёхвандлик воситасини сотиб олиш тадбири давомида, судланувчи А. ўзининг яшаш уйининг олдида фуқаро Т.га гугурт қутисига қадоқлаб солинган соф вазни 6,62 граммга teng бўлган озгинадан кўп миқдордаги “марихуана” гиёхвандлик моддасини 600.000 сўм эвазига сотган вақтда ушланган.

Ушбу жиноят иши бўйича тергов органи томонидан айбланувчи А.нинг айловига Жиноят кодексининг 273-моддаси З-қисми “а” банди қўйилиб, хатоликка йўл қўйилган.

Гарчи, А. илгари гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишида муомала қилишдан иборат жиноятни содир этганлик учун судланмаган бўлсада, дастлабки тергов органи юқорида қайд этилган модда банди билан айбланувчининг ҳаракатларини нотўғри малақалаган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 28.04.2017 йилдаги “Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишида муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 27-бандида, шахснинг Жиноят

кодексининг 273-моддаси 3-қисми “а” банди билан жиноий жавобгарлиги у муқаддам гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равища мумомала қилишдан иборат жиноятлар учун судланган ҳолдагина келиб чиқиши белгиланган.

Шу боис, суд судланувчи А.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 273-моддаси 3-қисми “а” бандидан мазкур Кодекснинг 273-моддаси 2-қисми билан қайта квалификация қилиниб, терговда йўл кўйилган камчиликлар юзасидан хусусий ажрим киритилган.

Шунингдек, амалиёт материаллари таҳлили шуни кўрсатдики, содир этилган жиноят иши бўйича қилмишни Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан баҳолашда иштирокчилик тўғрисидаги қонун нормаларини нотўғри татбиқ қилиш ҳолатларига йўл кўйилмоқда.

Жумладан, судланувчи А., С. ва F. каби жиноий шериклари билан жабрланувчи Н.нинг жами 15.700.000 сўмлик, А.нинг жами 18.700.000 сўмлик, F.нинг 5.000.000 сўмлик, А.нинг 5.000.000 сўмлик, Д.нинг 4.000.000 сўмлик, Қ.нинг 2.100.000 сўмлик, Б.нинг 46.800.000 сўмлик, барча ҳолатда жами 97.300.000 сўм қийматдаги мол-мулкларни ўғирлик йўли билан талонторож қилишган.

Жиноят иши бўйича тергов органи томонидан судланувчи А. ва бошқаларнинг ушбу ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми “в” бандига кўра уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганлик квалификация белгиси билан нотўғри малакаланган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 20.12.1996 йилдаги “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида” ги 37-сонли қарорининг 5-бандида, уюшган гурух деганда транспорт воситаларини олиб қочиш ёки бошқа жиноятларни содир этиш мақсадида икки ёки ундан кўп шахсларнинг барқарор бирлашмаси тушунилиши, жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиноий қасдни амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг тайёрланиши,

иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гуруҳда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсуниш жиноий гурухнинг уюшганлигидан далолат бериши, айблаш фикри ва суд хукмида айнан қандай асосларга кўра жиноий гурух уюшган деб топилганлиги кўрсатилган бўлиши шартлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Гарчи, судланувчилар ўзаро тил биректириб, бир неча маротаба такроран ўғирлик жиноятини содир этишган бўлсада, тергов органи томонидан жиноий гурухнинг қандай асосларга кўра уюшган деб топилганлиги тергов ҳаракатлари давомида юқоридаги Пленум қарорида белгиланган тушунтиришларга асосланиб аниқланмаган ва айлов хулосасида асосланмаган.

Суд давомида ҳам, судланувчилар жиноятни содир этиш вақтида Пленум қарорида назарда тутилган уюшган гурух белгисини назарда тутувчи вазифалар тақсимоти, ташкилий масалалар мавжуд бўлмаганлигини айтиб кўрсатув беришган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси 3-қисмига кўра, айборликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун кўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Шу боис, суд томонидан судланувчи А. ва бошқаларнинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми “в” бандидан мазкур Кодекснинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандига қайта малакаланиб, тергов давомида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича хусусий ажрим киритилган.

Жиноят процессуал қонуни нормаларининг бузилиши билан боғлиқ бир қатор амалий мисолларни кўриш мумкин.

Хусусан, жиноят-процессуал қонуни нормалари бузилган ҳолда олинган далиллар номақбул деб топилади.

Судланувчи М. ўзи истиқомат қилиб келаётган яшаш уйи ҳовлисининг томорқа ерида таркибида гиёхвандлик воситалари бўлган тақиқланган экин ҳисобланган бир туп “каннабис” ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб, парваришлаб этиштирган.

Сўнгра, М. судланувчи З.га 80.000 сўм эвазига 0,35 грамм, тезкор-қидирув тадбирида қатнашган аризачи З.га 160.000 сўм эвазига 0,65 грамм, судланувчи З. судланувчи Б.га 80.000 сўм эвазига 0,35 грамм, шунингдек, судланувчи Б. аризачи А.га 100.000 сўм эвазига 0,35 грамм марихуана гиёхвандлик воситасини сотган.

Мазкур жиноят иши юзасидан тергов органи томонидан судланувчи З.нинг яшаш уйи ва ёрдамчи хўжалик биноларида тинтуб тергов ҳаракати ўтказилган. Тинтуб вактида З.нинг яшаш хонасидан 1 дона гугурт қутисига солинган, майдаланган ўсимлик қолдиғи ва уруғлари топилиб, бу ҳақида баённома расмийлаштирилиб, баённомага фотосуратлар илова қилинган.

Бироқ, суд томонидан З.нинг яшаш уйи ва ёрдамчи хўжалик биноларида ўтказилган тинтуб тергов ҳаракати натижалари номақбул далил деб топилган.

Бунга тинтуб тергов ҳаракати жараёнида холисларга уларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 74-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, мазкур Кодекснинг 160, 161-моддаларида назарда тутилган тартибда тинтуб ўтказилишидан аввал тинтуб қилинаётганлар, холислар, мутахассисга суриштирувчи ёки терговчининг барча ҳаракатлари чоғида ҳозир бўлиш ҳамда ана шу ҳаракатлар хусусида арз қилиш ҳуқуқлари тушунтирилмаганлиги, тинтуб ўтказишга киришишдан олдин бу тўғрисидаги қарор, сўнгра тинтуб ўтказилганлиги ҳақидаги баённома уйида тинтуб ўтказилаётган З.га таништирилмасдан, имзо куйдирилмаганлиги ва тилхат олинмаганлиги, ЖПКнинг 92-моддаси бўйича тинтуб тергов ҳаракати тамом бўлгач,

иштирокчиларга тергов ҳаракати баённомаси билан танишиб чиқишига имкон берилмаганлиги сабаб бўлган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.08.2018 йилдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 2-бандига мувофиқ, далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишига оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олингандагина мақбул деб топилиши, қонуний асосларсиз олинган далиллардан исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмаслиги белгиланган.

Бундан ташқари, айрим тергов органлари томонидан вояга етмаганлар ҳукуқларини ҳимояга қилишига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларига риоя қилинмаган.

Жумладан, вояга етмаган Ф. ўзи билан бир хонадонда истиқомат қилувчи янгаси Д.нинг акаси К. билан ўз яшаш хонадонида ўзаро оиласвий келишмовчиликлар можаросида жанжаллашиб, қасдан тан жароҳати етказиш мақсадида, К.нинг бош тепа соҳасига дарвозахонада бўлган темир бўлаги билан, бошнинг ўнг чакка қисмига дарвозахонада бўлган 1 литр ҳажмли шиша идиш (банка) билан уриб, қасдан баданга енгил тан жароҳати етказган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов органи томонидан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисмига асосан айблов хулосаси билан судга юборилган.

Маълумки, Жиноят-процессуал кодексининг 549-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига қўра, вояга етмаганнинг жинояtlари ҳақидаги ишни юритишида қонуний вакилнинг қатнашиши шарт. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тарикасида биринчи сўрек қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади.

Бироқ, қайд этилган жиноят иши бўйича вояга етмаган Ф.нинг қонуний вакили аниқланмасдан, қонуний вакилни ишда иштирок этиши ҳақида қарор чиқарилмаганлиги оқибатида, мазкур тартиб бузилиши ишни судда кўриш давомида процесс иштирокчиларининг ҳақли эътиrozига сабаб бўлган.

Жиноят-процессуал кодексининг 298-моддасига кўра, жиноят ишини кўриш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланганидан кейин, суд хусусий ажрим чиқариб, унда тегишли давлат органлари ёки мансабдор шахслардан ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қиласди.

Шу боис, суд томонидан дастлабки терговда йўл қўйилган ва прокурор назоратидан четда қолган мазкур камчилик юзасидан хусусий ажрим киритилган.

Бундан ташқари, айрим тергов органлари томонидан ҳодиса жойини кўздан кечиришга оид қонун нормалари талаблари бажарилмаган.

Жумладан, судланувчи У., Р. билан ўзаро тил бириктириб, бир гурухга бирлашиб, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда, ҳарбий қисмнинг шартнома бўйича ҳарбий хизматчилари Ш. ва Ж.ларга уларни аввалдан танимагани ҳолда, ўзларининг улардан жисмоний томонлама устунлигини кўрсатиб қўйиш мақсадида жамиятдаги юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, Ш. ва Ж. ларнинг танасини дуч келган қисмига бир неча маротаба уришиб, Ш.га соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келган енгил тан жароҳати, Ж.га соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келмаган енгил жароҳат етказишган.

Мазкур жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, тергов органи томонидан ҳолат бўйича ҳодиса жойи кўздан кечирилмаганлиги ва тегишли фотосуратга олиниб, процессуал тартибда расмийлаштирилмаганлиги оқибатида жиноятга алоқадор излар йўқ бўлиб кетган. Оқибатда, жиноят иши процесс иштирокчиларининг кўрсатмалари,

эксперт хуросаларигагина таяниб, айблов зарурий далиллар билан асосланмаган.

Ваҳоланки, Жиноят-процессуал кодексининг 135-моддаси 1-қисмига асосан, жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиради.

Мазкур қонун бузилиши натижасида, суд томонидан юқори турувчи тергов органига айбдор шахсларга чора кўришни сўраб хусусий ажрим киритилган.

Юқорида таъкидланган мисоллар бир эмас, балки бир неча тергов органи ёки ҳудуд доирасида кузатилиб, айнан шунга ўхшаш ҳолатларнинг кўплаб кузатилиши бу борада тизимли камчиликларнинг кенг қулоч ёзганидан, улар фаолиятида кечиктириб бўлмас чора-тадбирларни белгилаш зарурлигидан далолат беради.

Мазкур тадқиқот ишига илова қилинаётган амалий қўлланма ҳам айнан тергов камчиликларига йўл қўйилган жиноят ишлари билан танишиш, келгусида уларга йўл қўймаслик юзасидан муҳим вазифаларни белгилаб олишга имконият яратади.

III БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЖАРАЁНИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

3.1. Айрим хорижий мамлакатларда дастлабки терговни юритишининг ўзига хос жиҳатлари

Аксарият тадқиқот ишларида хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилиниб, ривожланган мамлакатлар босиб ўтган ислоҳотлар босқичи натижасида шаклланган янгиликларни аниқлаш ва миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш масалаларига эътибор қаратилади.

Тадқиқот ишининг мазкур қисмида айрим хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал нормалари умумий маънода, Германия Федератив Республикасининг бу соҳадаги фаолияти эса батафсил таҳлил қилиниб, мавжуд нормаларни ислоҳ қилиш бўйича ташаббуслар илгари сурилган.

Маълумки, бу борада, даставвал ҳуқуқ тизимини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳуқуқ тизими жиноят процессини юритишга масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг таркибий тузилиши, қўлланиладиган қонунчилик нормаларига ҳам таъсир ўтказиб, процесс давомида муайян иш юритиш тартибининг ҳам ўзаро фарқланишини англатади.

Масалан, англо-саксон ҳуқуқ тизимиға тааллуқли бўлган Америка Кўшма Штатларида терговга қадар текширув ёки суриштирув институти мавжуд эмас. Бироқ, миллий қонунчилигимиздаги суриштирув институтига ўхшаш бўлган судга қадар иш юритув ва дастлабки тергов тушунчалари қўлланилади.

АҚШ Федерал жиноят-процессуал ҳуқуқи АҚШ Конституцияси, Конгресс ҳужжатлари, Федерал судлар учун жиноят процессининг федерал қоидаларига, АҚШ Олий суди, Федерал судлар, Федерал ижроия ҳокимиятлари чиқарган бошқа қоидаларга, АҚШ Олий суди ўрнатган жиноий судлов ишларининг қоидалари ва суд прецедентларига асосланади.

АҚШда жиноят судлов иш юритувида жиноий таъқиб қилинадиган қилмишларнинг икки тури назарда тутилган:

- 1) унга асосан айблов хужжати тузилиши ёки маълумот тақдим этилиши лозим бўлган ишларни юритиш;
- 2) умумий иш юритиш.

Улардан бири хавфли жиноятлар (felony) бўйича ишларда қўлланилса, иккинчиси, кам аҳамиятли бўлган жиноятлар (misdemeanour).

Судга қадар иш юритувни АҚШда элликка яқин органлар ва мансабдор шахслар амалга ошириб, мамлакатда у ёки бу даражада жиноятларни очиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган 20 мингга яқин турли хизматлар фаолият олиб боради.

Уларнинг ичида полиция ва атторнейлар муҳим ўринни эгаллайди ва таъкидлаш жоизки, полиция офицерлари АҚШдаги жиноят ишларининг аксарияти бўйича судга қадар иш юритувни амалга оширади¹.

Ёки, Буюк Британияда суриштирув ҳамда дастлабки терговни полиция (Англия ва Уэлсда 43 та худуд, Шимолий Ирландия 1 та, Шотландияда 1 та ва Миллий маҳсус полициянинг 4 та тури бор (Британия транспорт полицияси, Фуқаролик ядро полицияси, Мудофаа вазирлиги полицияси, Миллий ҳаво полицияси).

Ушбу тузилмаларнинг ҳар бирида ҳудуддаги жиноий ҳолатга мутаносиб равишда тайинланадиган Жиноий тергов Департаменти терговчилари томонидан амалга оширади².

Беларусь Республикасида жиноят процессини юритишида тергов фаолияти ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, Қуролли кучлар ва транспорт қўшинлари, озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги жиноий ҳукмларни ижро етувчи муассасалар, Давлат чегара қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари, божхона органлари, Давлат назорат қўмитасининг молиявий тергов органлари, давлат ёнғин назорати органлари, денгиз ёки дарё кемалари капитанлари, ҳаво кемалари командирлари, дипломатик

¹ Spencer J.R. Jacksons Machinery of Justice. Birmingham, 2001.

² <https://www.hse.gov.uk/services/police/organisation.htm>

ваколатхоналар ва консуллик муассасалари раҳбарлари, томонидан амалга оширилади¹.

Германияда эса, тергов органлари бўлиб 16 та штатдаги худудий давлат полициялари, Федерал полиция, Германия Федерал криминал полицияси, Федерал прокуратура ва 16 та штатдаги худудий прокуратуралар ҳисобланади².

Тергов органлари фаолиятининг хуқукий асослари Германиянинг Асосий Қонуни, “Суд тузилиши ҳақида”, “Федерал полиция тўғрисида”, “Яшаш жойи тўғрисида”, “Бошпана бериш тўғрисида”, “Авиация хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунлардан иборат.

Тергов органлари ташкил этилгандан буён бир қатор ривожланиш босқичларини босиб ўтган.

Хусусан, Германия Федерал криминал полицияси (ВКА) 1951 йилда ташкил этилиб, факат мінтақалараро ва халқаро аҳамиятдаги жиноятчилик билан шуғулланган. 2005 йилдан 9 та таркибий бўлинма ташкил этилиб, фаолияти кенгайган.

Прокуратура ҳузурида 1970 йилларнинг охири 1980 йилларнинг бошида оғир жиноятларни тергов қилиш бўйича маҳсус бўлим очилган. 2007 йилдан сўнг прокуратура дастлабки терговни амалга оширувчи субъект ҳисобланмайди. У фактат иқтисодий, ўта оғир ҳамда жамиятда резонансга сабаб бўлувчи жиноятлар бўйича терговни олиб боради³.

Германияда жиноят процессуал хуқуқи нормаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур давлатда мавжуд айrim хуқукий нормаларни миллий қонунчилигимизга татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Жумладан, прокуратуранинг адлия тизимига бўйсуниши. Жиноятларнинг статистикаси ҳам адлия органлари томонидан юритилади. Модомики, прокуратура қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни

¹ Уголовно-Процессуальный Кодекс Республики Беларусь <http://www.pravo.by>

² <https://polis.osce.org/country-profiles/germany#german-police-university-10225>

³ <https://www.bmi.bund.de/EN/topics/security/federal-criminal-police-office/federal-criminal-office.html>

мустаҳкамлашга (шу жумладан, жиноят процессида ҳам) хизмат қилар экан, у барча давлат ҳокимияти органларидан мустақил фаолият кўрсатиши лозим.

Ножўя қилмиш (проступок) ва жиноий ҳаракат тушунчаларининг ажратилганлиги (ГФР ЖПК 153§). Фикримизча, миллий қонунчилигимиз процессуал нормаларни мураккаблаштирувчи тушунчалардан йироқ бўлиши лозим.

Суд босқичида айбловдан воз кечишга йўл қўйилмаслиги (ГФР ЖПК 157§). Бу ҳолат амалиётимизда қўп қузатилмасада, бироқ, тергов органларининг фаолияти фақат айбловдан иборат эмаслигини, тергов шахснинг айбдорлигини, шу жумладан, содир этилган қилмишга алоқадор эмаслигини аниқлашни англаатади.

Шу жумладан, жиноят процессини амалга ошириш тартибида ҳам ўзига хос жиҳатлар мавжуд бўлиб, бундай нормаларни татбиқ этиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Хусусан, Германия жиноят-процессуал қонуничилигига оммавий ва хусусий айблов ажратилган (ГФР ЖПКнинг 374-394§). Миллий қонунчилигимизда (ЖПКнинг 325-модда) жабрланувчининг аризаси билан қўзғатиладиган жиноят ишлари мавжуд. Бироқ, ариза берилганда, жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш тергов органлари томонидан амалга оширилади. Бироқ, Германияда хусусий айблов судга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш орқали амалга оширилади. Исботлаш мажбурияти ҳам ариза берувчига юкланади. Прокуратура жамоат манфаатларига зарар етказувчи жиноятлар юзасидангина терговни амалга оширади.

Умумлашган иш юритиши тартиби мавжуд (суммарное производство) (ГФР ЖПК 407-412§). Агар суд муҳокамасини ўтказиш зарурияти мавжуд эмас деб ҳисобланса, шунингдек, жарима, ноқонуний йўл билан топилган буюмларни мусодара қилиш ҳамда 2 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш кўринишидаги жазо назарда тутилган жиноий ҳаракатлар бўйича прокуратуранинг қарори асосида иш тугатилиши мумкин. Фикримизча, бу тартиб “Хабэас корпус”

институтига зид бўлиб, жазо тайинлаш фақат суднинг ваколатига кириши лозим.

Ушлаб туришнинг чекланган муддати (1 кун) белгиланган. Ушлаб туришни қўллашга ҳеч кимнинг рухсати талаб этилмайди. Бир кундан сўнг, ҳудудий участка судьяси ушлаб турилган шахсни сўроқ қилиб, асослар мавжуд бўлмаса, уни озод қиласди ёки прокурорнинг илтимосномаси бўйича қамоқ ёки тиббий муассасасига жойлаштириш эҳтиёт чорасини қўллайди (ГФР ЖПК 128§). Бу муддат жуда қисқа бўлиб, тергов жараёнидаги иш ҳажмига мувофиқ эмас.

Германияда ҳимоячига эга бўлиш сони ҳам чекланган. Айбланувчи З тадан ортиқ ҳимоячига эга бўлиши мумкин эмас (ГФР ЖПК 137§). Кўп эпизодли ишлар бўйича ҳимоячи сонини чекламаслик мақсадга мувофиқ.

Ҳимоячи сифатида олий таълим муассасаларининг юриспруденция бўйича ўқитувчилари ёки адлия органларида 1 йил З ой тайёрловдан ўтган ва биринчи имтиҳонни топширган юристлар ҳам танланиши мумкин (ГФР ЖПК 138, 139§). Фикримизча, адвокатура профессионал касб бўлиши лозим. Тергов босқичи кўп жараённи қамраб олиши сабабли, таълим бериш тергов жараёнига таъсир ўтказмаслиги керак.

Германияда айбланувчига қўмак берувчи шахс институти мавжуд (ГФР ЖПК 149§). Айбланувчининг эр-хотини ёки у билан турмуш қурган бир жинсли шахс ишда қўмак берувчи шахс сифатида жалб қилинишига рухсат берилади. Бу ҳолат терговни чалғитишга уринишга бўлган ҳаракатларга сабаб бўлиши мумкин.

Телефон ёки бошқа сўзлашув қурилмаларини эшлиш тергов ҳаракати қўлланиладиган жиноятнинг аниқ тоифалари белгиланган.Faқат оғир жиноятлар бўйича ушбу тергов ҳаракати қўлланилиши назарда тутилган бўлиб, уларнинг турли қонунларда кўрсатилган тоифалари санаб ўтилган. Фикримизча, жиноятларни тез ва тўла очиш учун бу тергов ҳаракатининг муайян чегарасини белгилаш мақсадга мувофиқ эмас (ГФР ЖПК 100a§).

Гаров эҳтиёт чораси суд томонидан қўлланилади ва гаров пулининг минимал миқдори белгиланмаган (ГФР ЖПК 116а§). Судга бундай ваколатнинг берилиши тергов жараёнида вақт сарфининг ошишига ўз таъсирини ўтказади. Шунингдек, бу эҳтиёт чораси шахс ҳукуқларининг чекланиши билан боғлиқ ҳолат ҳисобланмайди. Бундан ташқари, гаров пули миқдорини белгилашни суднинг ихтиёрига берилиши процессда субъективликка йўл қўйиб, суистеъмолчилик ва коррупцион факторларни юзага келтиради.

Германияда қамоқ эҳтиёт чораси муддати дастлаб 6 ойгача этиб белгиланган (ГФР ЖПК 121§). Муддат давомийлиги узун бўлиб, у худудий Олий суд томонидан 1 йилгача узайтирилиши ҳам мумкин;

Процессуал муддатларни ҳисоблашда ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ёки тиббий муассасада бўлиш муддатлари ҳисобга олинмаган. Муддатнинг тугаши ишдан ҳоли кунга (дам олиш, байрам кунига) тўғри келса, муддат шундан кейинги биринчи иш кунида тугайди. Бироқ, шахс озодлигининг чекланиши билан боғлиқ ҳолатларда муддатларни бошқача ҳисоблаш инобатга олинмаган (ГФР ЖПК 43§).

Маҳкум томонидан ҳукуқ ва мажбуриятларга риоя этилиши аҳволи суд томонидан назорат қилинади (ГФР ЖПК 453б§). Бу жараёнда миллий қонунчилигимизда бўлгани каби прокурор назорати бўлиши шарт. Чунки, қонунлар ижроси устидан назорат функцияси прокуратурага тегишли. Суд маҳкумнинг озодлигини чеклаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга ошира туриб, унинг қандай ижро этилишини ҳам назорат қилиши мақсадга номувофик.

Тадқиқот ишининг “Кадрларни тайёрлаш, танлаш ва ишларни ташкиллаштиришдаги тизимли муаммолар” деб номланган қисмида юридик кадрлар тайёрлашда таълим муассасалари сонининг камлиги ҳақида фикр юритган эдик. Хорижий мамлакатлар амалиёти бу борада янгича ёндашувни талаб этишини кўрсатади.

Масалан, Германия Федератив Республикасида 40 та юридик таълим муассасалари адвокатура, суд, прокуратура органлари учун юридик таълимни ташкил этади¹.

Амалдаги жиноят процессуал қонунчилигимизда ишни судга қадар юритиш босқичида иштирок этадиган айрим мансабдор шахслар фаолиятини баҳолаш мезонлари назарда тутилмаган. Бироқ, бу борада хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, Хитой Халқ Республикасида терговчиларни 8 та тоифага ажратиш тизими мавжуд бўлиб, тоифага ажратишда, ходимнинг иш стажи, тергов қилинган, прокурор ёки суддан қайтган жиноят ишлари сони билан боғлиқ мезонлар белгиланган.

Ижобий кўрсаткичга эришган ходимларга лавозимини ошириш, қўшимча устама белгилаш, тоифа даражасини бериш каби имтиёзлар, аксинча, салбий кўрсаткичларга эга ходимларни эса бошқа лавозимга ўтказиш, тоифасини бекор қилиш ёки давлат хизматидан бўшатиш каби чоралар қўлланилади.

Жиноят-процессуал қонунчилигида терговчи ёрдамчиси лавозимининг мавжуд эмаслиги иш ҳажмини камайтиришга тўсқинлик қилмоқда. Қайд этиш жоизки, АҚШ, Япония ва Қозоғистон давлатларида жорий этилган ушбу хорижий тажриба тергов органлари иш самарадорлигини оширишга ўз ҳиссасини кўшган.

Кўп ҳолларда, процесс иштирокчилари бармоқ излари, биологик намуналар, шахсий фотосурат ва шунга ўхшаш бўлган индивид билан боғлиқ бўлган маълумотларни беришдан бош тортишади.

Жиноят процессуал қонунчилигининг мажбурлов чоралари институтида бундай чораларни қўллаш ваколати ва тартиби бевосита кўрсатилмаган бўлиб, мазкур ҳолат турли тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

¹ <http://euni.ru/informatsiya/statji/obrazovanie/yuridicheskoe-obrazovanie-v-germanii>

Германиянинг ЖПКсида “Жиноят иши бўйича рўйхатга олиш” деб номланган процессуал мажбурлов чораси институти мавжуд бўлиб, процесс иштирокчисидан жиноят ишига оид фотосурат, шахсга доир маълумотлар, биологик намуналар олиш зарурияти юзага келса, агарда шахс уларни беришдан бош тортган тақдирда, мажбурий чоралар қўлланилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Таклифнинг амалга киритилиши натижасида, жиноятларни тез ва тўла очиш имкониятлари яратилади.

Тадқиқотнинг мазкур қисми якунида айтиш мумкинки, юқорида таъкидланган тавсияларни илгари суриш орқали хорижий давлатларнинг бизнинг қонунчилигимиз ва устувор қоидаларимизга мувофиқ ёки номувофиқ бўлган нормаларини таҳлил қилиб, менталитетимизга мослаштирилган ҳолда, имплементация қилиш масаласини мухокама қилиш мухим аҳамиятга эга бўлади.

3.2. Даастлабки терговдаги тизимли камчиликларни бартараф этиш ва тергов иши юритилишини ривожлантириш истиқболлари

Тадқиқот ишининг аввалги қисмларида даастлабки терговдаги тизимли камчиликлар хусусида фикр юритилди.

Фикримизча, тадқиқот ишининг номи билан боғлиқ ҳолда, айнан ушбу камчиликларни тизимлаштириш, муайян босқичларга ажратиш мухим аҳамиятга эга.

Маълумки, тергов ҳаракатларининг мақсади жиноий ҳодиса бўйича далилларни тўплашдан иборат. ЖПКнинг 87-моддаси 1-қисмига кўра, далиллар сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани экспериментация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш; шунингдек, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланади.

Қайд этиш керакки, жиноят процессида жиноий ҳодиса юзасидан далилларни тўплаш мақсадида ўтказиладиган тергов ҳаракатларини назарда тутувчи нормалар уларнинг кетма-кетлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан тўлиқ тизимлаштирилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 350-моддаси даастлабки терговнинг бошланиши деб номланган бўлиб, унга кўра терговчи жиноят ишини қўзғатиб, уни ўз иш юритувига олади ва бу ҳақда иш қўзғатилганлиги тўғрисидаги қарорга ёзиб қўяди. Башарти терговчига олдин қўзғатилган иш берилган бўлса, у ишни ўз юритувига олганлиги тўғрисида қарор чиқаради, шундан сўнг даастлабки терговни бошлайди.

Одатда, инсон ҳаёти ёки соғлиғи билан боғлиқ аксарият жиноят ишлари ҳодиса жойини кўздан кечиришдан бошланади. Бироқ, ушбу тергов

ҳаракати, одатда, жиноят иши қўзғатилгунга қадар амалга оширилади ва жиноят ишида далил сифатида эътироф этилади.

Жиноят-процессуал кодексида бир қатор тергов ҳаракатлари санаб ўтилган бўлиб, уларни қатъий равишда кетма-кетликда амалга оширилади деб бўлмайди. Фақатгина мазмунига қараб ҳамда ҳар бир жиноят ишининг индивидуал хусусиятларига кўра ажратиш мумкин.

Хусусан, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиши, кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш, олиб қўйиш, гувоҳлантириш, эксперимент ўtkазиш каби тергов ҳаракатлари сўроқ тергов ҳаракати ўтказилгандан сўнг, белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ёки аксарият ҳолларда, тан жароҳати ҳолатлари юзасидан жиноят иши ҳодиса жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишдан бошланса, ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш, фирибгарлик каби жиноятларда ушбу тергов ҳаракатлари ўтказилмайди. Бунда, дастлаб сўроқ тергов ҳаракати амалга оширилади.

Қайд этилганларга кўра, дастлабки тергов бошланишидан иш судга юборилгунга қадар бўлган жараённи қўйидаги икки босқичга ажратиш орқали тизимли камчиликлар ва уларни бартараф этишга қаратилган аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ:

1. Кечиктириб бўлмайдиган тергов ёки процессуал ҳаракатларини ўтказиш босқичи;
2. Бошқа тергов ёки процессуал ҳаракатларни амалга ошириш босқичи.

Қайд этиш керакки, ЖПКда “кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар” деган жумла ишлатилсада, бироқ Кодекснинг муайян нормасида қандай ҳолатлар кечиктириб бўлмайдиган деб эътироф этилиши назарда тутилмаган.

Ушбу босқичда юқоридаги икки босқичда амалга оширилмаган ёки такрорий амалга ошириладиган тергов ва процессуал ҳаракатлар киради.

Бу борада тадқиқот иши доирасида тизимли камчиликлар ҳақида ҳам шу тартибда фикр юритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқот ишининг мазкур қисмида номланганидек, дастлабки терговдаги тизимли камчиликларни бартараф этиш ва тергов иши юритилишини ривожлантириш истиқболларини белгилашда қуидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, жиноят процесси назарияси ва амалиётидаги айрим тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш орқали, турлича ёндашув ҳолатларига барҳам берилишини таъминлаш лозим.

Қайд этиш жоизки, тадқиқот ишини олиб боришда, назариётшунос олимлар муайян соҳага ёндашганда, уларнинг мазмунини турлича шарҳлашга ҳаракат қилишади. Аслида, бу тадқиқот ишидан фойдаланувчиларда ҳар хил тушунчаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, процессуал қонунчиликда муайян норма мазмунини очиб берилмаганлиги натижасида, уни қўллашда ва тушунишда муаммолар юзага келади.

Ўз-ўзидан, мазкур жараён нормани ҳамма бир хил тушуниши учун унинг мазмунини очиб беришга эҳтиёж мавжудлигини англаатади.

Масалан, тергов ҳаракати тушунчаси ЖПКда баён этилмаган бўлиб, натижаси далил бўлиб хизмат қиласдан, фақат бошқа тергов ҳаракатини ўтказиш учун асос бўладиган экспертиза текшируви учун намуналар олиш, мурдани эксгумация қилиш каби ҳаракатлар тергов ҳаракати ҳисобланиши ёки йўқлиги ҳолати мавҳумлигича қолган.

Иккинчидан, ҳар бир қонун бузилиши ёки муаммонинг туб илдизини аниқлаш асосий вазифа бўлгани каби, тергов фаолиятида кадрларни тайёрлаш борасида ўзига хос янгича ёндашув талаб этилади. Бунда, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, рақобатбардош кадрларни етиштириш учун кадрлар тайёрлашда ҳам рақобат муҳитини қучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, ҳуқуқшунос кадрларнинг чинакам меҳнат бозорида танлаб олинишига шароит яратиш лозим. Бу учун амалдаги юридик таълим муассасалари билан рақобат қила оладиган янги таълим муассасаларини ташкил этиш талаб этилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясига “юриспруденция” мутахассислиги, шу жумладан, “Тергов фаолияти” бўйича бакалавриат йўналишида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш хуқукини бериш мақсадга мувофик бўлади.

Бу орқали, прокуратура органларида тергов ишининг самарали ташкил этилиши, назарий-хуқуқий билимларнинг хуқуқни қўллаш амалиёти билан уйғунлиги таъминланади.

Учинчидан, соҳа кадрларини танлаб олишда субъективликка йўл қўйилишини олдини олиш, бу жараёнда шаффоф механизmlарни яратиш, ходимлар фаолиятини баҳолаб боришининг замонавий тизимини жорий этишга эришиш зарур.

Бундан ташқари, кадрларни танлаш жараёни уларнинг психологик хусусиятлари инобатга олинган ҳолда амалга оширилиши, яъни темпераментнинг муайян турига мувофик бўлиши лозим.

Тадқиқот ишида айнан мана шу хусусиятлар инобатга олинмаган ҳолда, ишга қабул қилинган кадрлар ўз хоҳишлирига кўра эгаллаб турган лавозим мажбуриятларини бажара олмасдан, вазифасидан озод этилганлиги ҳолатлари кўплаб кузатилган.

Тўртинчидан, ишларни ташкиллаштиришнинг амалдаги ҳолатини ислоҳ қилиш лозим. Бу жараён жиноят иши терговини адолат ва бошқа умуминсоний мезонлар асосида тақсимлаш, тергов ҳаракатларини амалга оширишда кулай ва самарали усуллардан фойдаланиш лозимлигини англатади.

Шу боис, ишларни тақсимлашнинг инсон омилини истисно этадиган усулларидан фойдаланиш, юқори турувчи тергов органи томонидан қуий турувчи органлар фаолиятига ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида жиноят ишларининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, тергов ҳаракатларини кетма-кетликда амалга оширишнинг содда шаклда баён қилинган тавсияларини ишлаб чиқиш лозим.

Бу борада, Адлия вазирлиги томонидан нотариат ва ФХДЁ органлари томонидан расмийлаштириладиган хужжатларни амалга ошириш тартиби кўрсатилган қўргазмали тавсиялардан фойдаланиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бешинчидан, жиноят-процессуал қонуни нормаларини қайта кўриб чиқиши орқали, коррупция ва турли суистеъмолчиликлардан ҳоли бўлган, инсон омилини истисно этадиган, иш ҳажмини енгиллаштирадиган ва натижаси ўлароқ фуқароларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг янада таъсирchan механизмларини жорий этадиган нормаларни ишлаб чиқиши ва такомиллаштириш, шунингдек, бу жараёнда замонавий ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланилишини кегайтириш зарур.

Масалан, юқорида таъкидланган жиноят процессидаги мол-мулкни хатлаш жараёнида электрон воситалардан фойдаланилиши вақт сарфини тежаши билан бир қаторда, мол-мулкни бегоналаштириб кетилишини олдини олади. Процессуал ҳаракатнинг ўз вақтида ва самарали бўлишини таъминлайди.

Ёки, жиноят ишлари терговини амалга оширишнинг мансабдор шахсларга топширилишини электрон дастур орқали бўлишини таъминлаш бир ходим зиммасида иш ҳажмининг асоссиз кўпайишини, манфаатлар тўқнашуви хавфини олдини олади.

Бир сўз билан айтганда, тизимли камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг ёчими ҳам юқорида қайд этилган тартибда тизимлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Тадқиқот ишида дастлабки терговдаги қатор тизимли камчиликлар, уларнинг салбий оқибатлари ҳақида фикр юритилди. Хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилиниб, миллий қонунчилигимизда мавжуд бўлмаган нормаларни имплементация қилиш масалалари ёритилди.

Қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, дастлабки тергов юритилишига оид ҳуқуқ назарияси ва мазкур жараённи тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, шу жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қўйидаги таклифларни амалга ошириш юзасидан хулоса қилинади:

I. Илмий-назарий таклифлар:

1. “Дастлабки терговдаги тизимли камчилик” тушунчасини қўйидагича таърифлаш:

“Дастлабки терговдаги тизимли камчилик - бу тергов фаолиятида кадрларни тайёрлаш ва танлаш, жиноят ишларини тақсимлаш, ишларни режалаштиришда ҳамда дастлабки терговни амалга оширувчи икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахслар томонидан бир неча жиноят ишлари бўйича моддий ва процессуал қонун нормаларига риоя қиласлик, шунингдек, криминалистик тавсияларга амал қиласликда ифодаланадиган ва мунтазам равишда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳисобланади”;

2. Дастлабки терговдаги тизимли камчиликларни қўйидагича таснифлаш:

- *кадрларни тайёрлаш, танлаш ва ишларни ташкиллаштиришда юзага келадиган тизимлик камчиликлар;*
- *моддий ҳуқуқ нормаларининг тизимли бузилишида ифодаланадиган камчиликлар;*
- *процессуал ҳуқуқ нормаларининг тизимли бузилиши билан боғлиқ камчиликлар.*

Юридик таълимда улардан фойдаланилиши турли қарашлар юритилишига чек қўйиб, ягона тушунчанинг қўлланилишига замин яратади.

3. “Тергов ҳаракати” таърифини қўйидагича баён этиш:

“*Тергов ҳаракати – бу жиноий ҳодисанинг рўй берган-бермаганлигини, шахснинг ушибу ҳодисага алоқадор ёки алоқадор эмаслигини ҳамда иш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлашига қаратилган ҳамда натижаси жиноят иши бўйича далил бўлиб хизмат қиласиган ҳаракат ҳисобланади*”.

4. ЖПКда қўлланиладиган “кечикириб бўлмайдиган ҳаракатлар” жумласига қўйидагича таъриф бериш:

“*Кечикириб бўлмайдиган ҳаракатлар – бу зудлик билан амалга оширилмаслиги келгусида далилларнинг йўқолиб кетиши ёки номақбул деб топилишига, шунингдек, иш бўйича ҳақиқатни ўз вақтида ва тезкор аниқлаш учун тўсқинлик қилишига сабаб бўладиган ҳаракатлар ҳисобланади*”.

Ушбу таърифнинг ишлаб чиқилиши ва масъул шахсларнинг тушуниб этиши муайян ҳодиса юзасидан зудлик билан амалга ошириладиган ҳаракатларни аниқлаштириб олишга ва уларнинг масъулиятини кучайтиришга хизмат қиласиди.

II. Тергов фаолияти соҳасида кадрлар тайёрлаш ва танлаш тизимини ривожлантириш борасидаги таклифлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясига “юриспруденция” мутахассислиги, шу жумладан, “Тергов фаолияти” бўйича бакалавриат йўналишида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ҳукуқини беришни назарда тутувчи Президент фармонини қабул қилиш;

2. Юридик таълим муассасалари талабаларида назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини ошириш мақсадида амалиёт дастурларини қайтадан кўриб чиқиб, амалиётчиларнинг бевосита ҳукуқни қўллаш амалиётидаги иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу борада, прокуратура органларида иш ўрганувчиларнинг иш ўрганиш дастуридан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга;

3. Прокуратура органларига кадрларни хизматга қабул қилишдан олдин талабгорларни психологик текширувдан ўтказишида, қоида тариқасида, унинг темпераментини мукаммал ўрганиш ва шунга мувофиқ келадиган лавозимга тайинланишини таъминлаш таклиф қилинади.

Бу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ-2036-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низомнинг 6-бандига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруриятини тақозо қиласи. Яъни, 6-бандни қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбошиси билан тўлдириш ҳамда тўртинчи ва бешинчи хатбошини тегишлича бешинчи ва олтинчи хатбоши деб ҳисоблаш лозим:

“Прокуратура органларига илк бор хизматга қабул қилишида номзодларнинг муайян лавозимга тайинлашига лойиқлигини аниқлаш мақсадида психологлар қатнашувида темперамент текшируви амалга оширилади”.

4. Тергов иши ва сифатини яхшилаш мақсадида, ЖПКГа “Терговчи ёрдамчиси” деб номланган қўйидаги мазмундаги 36¹-моддани киритиш мақсадга мувофиқ:

“Терговчи ёрдамчиси терговчининг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишига кўмаклашади.

Терговчи ёрдамчиси терговчининг топширигига кўра тергов ҳаракатини ўтказиши учун тайёргарлик кўради, бу учун терговни ўтказиши вақти ва жойи тўғрисида процесс иштирокчиларини хабардор қиласи; процесс иштирокчиларининг келган-келмаганлигини текширади, ҳозир бўлмаган шахсларнинг келмаганлиги сабабини аниқлаб, бу ҳақда терговчига маълум қиласи; тергов ҳаракатлари баённомасини юритади; терговчининг тергов ҳаракатларини ташкиллаштириши ва ўтказиши билан боғлиқ бошқа топшириқларини бажаради.

Терговчи ёрдамчиси баённомада терговчининг ҳаракатлари ва қарорларини, шунингдек, барча процесс иштирокчиларининг ҳаракатлари,

аризалари, илтимосномалари, кўрсатувларини тўлиқ ва тўғри баён қилиб бориши шарт”.

III. Жиноят-процессуал қонуни нормаларини тақомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. ЖПКни “Суриштирувчи ва терговчи фаолиятини баҳолаш” деб номланувчи қуйидаги мазмундаги 39³-модда билан тўлдириш лозим:

“Суриштирувчи ва терговчи фаолияти белгиланган мезонлар асосида баҳоланади.

Баҳолаш натижалари суриштирувчи ва терговчига тоифа даражаларини берииш учун асос бўлади.

Жиноят ишлари содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига ҳамда суриштирувчи ва терговчининг малака тоифасига мувофиқ равишда тақсимланиши лозим.

Суриштирувчи ва терговчи фаолиятини баҳолаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади”.

Ваколатли органларнинг қўшма қарори асосида баҳолаш мезонларини белгилаб, мунтазам баҳолаб боришга хизмат қиласиган электрон базани яратиш мақсадга мувофиқ.

2. ЖПКнинг 158-моддаси биринчи қисмини қуйидаги мазмунда баён этиш лозим:

“Суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқарши биносида ёки ўзга жойда, шунингдек, бирор шахсда ёхуд техника воситаларида иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда тинтув ўтказишига ҳақлиидир”.

Амалиётда, бирор бир шахснинг уяли алоқа телефони, компьютер воситалари ичидан муайян маълумотларни тинтув йўли билан олиб қўйишга зарурият туғилади. Бироқ, уни амалга оширишнинг процессуал механизми мавжуд эмаслиги боис, ушбу нормани жорий этишга эҳтиёж мавжуд.

3. ЖПКнинг 166-168-моддаларида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ҳамда 21-боби (169-171-моддаларида) телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриси суроитируди, терговчи, прокурор ёки суднинг топшириги бўйича тезкор-қидирув органлари томонидан амалга оширилади:

“Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйииш ҳамда телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриси суроитируди, терговчи, прокурор ёки суднинг топшириги бўйича тезкор-қидирув органлари томонидан амалга оширилади”.

4. ЖПКга “Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувлар ҳақида маълумот олиш” деб номланган қўйидаги мазмундаги 171¹-моддасини қўшиш мақсадга мувофиқ:

“Иш бўйича тўпланган даиллар иш учун аҳамиятга молик хабарларни олиш мумкинлигига етарли даражада асос бўла олса, суроитируди, терговчи телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувлар ҳақида маълумот олиши мумкин”.

Тергов амалиётида, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриси эмас, балки олиб борилган сўзлашувлар ҳақида маълумот олишга зарурият туғилади.

Масалан, бедарак йўқолган шахс фойдаланган уяли алоқа бўйича абонент рақамининг кириш-чиқиши қўнғироқлари, пеленгация ва фойдаланган уяли телефон аппаратининг IMEI коди тўғрисида маълумотлар олиниши лозим.

Бироқ, бундай маълумотни олишнинг процессуал тартиби мавжуд эмаслиги, нафақат тергов, балки терговга қадар текширув жараёнида ҳам муаммоларни юзага келтирсанлиги боис, мазкур нормани киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. ЖПКнинг 23-бобини (“Экспертиза текшируви учун намуналар олиш” – 188-197-моддалар) чиқариб ташлаб, ушбу моддаларни ЖПКнинг 22-бобидаги 175¹-175¹⁰-моддалари деб ҳисоблаш лозим.

Тергов ҳаракати натижаси далил бўлиб хизмат қилиши лозим. Бироқ, “экспертиза текшируви учун намуналар олиш” тергов ҳаракати натижаси далил бўлиб эмас, экспертиза текшируви учун асос бўлиб хизмат қилади. Экспертиза натижаси бўйича чиқарилган хулоса иш бўйича далил ҳисобланади. Шу боис, уни алоҳида тергов ҳаракати сифатида баҳолаш мақсадга номувофиқ. Бу таклиф тадқиқот ишининг назария қисми бўйича “тергов ҳаракати” тушунчасига илгари сурилган тавсия билан мувофиқ келади.

6. ЖПКнинг 179-моддаси 1-қисми 6-бандини қўйидаги мазмундаги норма билан тўлдириш таклиф этилади:

“Эксперт хулосаси суришиширувчи, терговчи ёки судга тақдим этилган вақтдан бошлаб уч сутка мобайнида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига тақдим этилиши лозим”.

7. ЖПК 261-моддасини қўйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдириш ва иккинчи қисмни, тегишлича, тўртинчи қисм деб ҳисоблаш лозим:

“Шахс жиноят процесси иштирокчиси сифатида дастлаб ишига жалб этилганда, унинг ёзма розилиги асосида суришиширувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан телефон ёки бошқа сўзлашув қурилмалари орқали чақирилиши мумкин.

Ёзма розилик процессининг барча босқичи учун тааллуқли бўлади. Бундай чақириув тартиби манфаатдор шахснинг ёзма аризаси асосида ўзгартирилиши мумкин”.

8. ЖПКга 290-моддасини қўйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдириш ҳамда иккинчи ва тўққизинчи қисмларни тегишинча тўртинчи ва ўн биринчи қисмлар деб ҳисоблаш лозим:

“Суришиширувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан мол-мулкни хатлаш дастлаб ягона электрон тизим орқали мол-мулк ҳақида маълумотларни аниқлашдан бошланади.

Ягона электрон тизимнинг ташкил этилиши ҳамда бу борада идоралараро ҳамкорликни амалга ошириш қонун ҳужжатлари билан белгиланади”.

9. ЖПКни “Терговга қадар текширув органлари ходимлари, суриштирувчи ва терговчи ўртасида ишларни тақсимлаш” деб номланувчи қуидаги мазмундаги янги 320⁴-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“Терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органларида ишлар ходимларнинг иш ҳажми ва ихтисослашуви, шунингдек, ҳудудийлик тамойили ҳисобга олинган ҳолда, улар ўртасида жиноят ишларини тақсимлашга иш натижасидан манфаатдор бўлган шахсларнинг таъсир кўрсатиши истисно этиладиган тартибда, автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тақсимланади.

Ишларни автоматик тарзда тақсимлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади”.

10. ЖПКнинг 376-моддаси 2-қисмини қуидаги мазмунда баён этиш лозим:

“Иш билан танишиб чиқши учун кўпи билан бир ойгача муддат белгиланиши мумкин. Кам ҳажсли жиноят ишлари бўйича процесс иштирокчилари ишдаги материаллар билан танишишини атайлаб چўзишига уринаётган бўлсалар, терговчи ўз қарорида ишдаги материаллар билан танишиши учун қисқартирилган муддат белгилашга ҳақлидир”.

ЖПКнинг 381¹³-моддаси 1-қисмини қуидаги мазмундаги норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“Иш билан танишиб чиқши учун кўпи билан етти суткагача муддат белгиланиши мумкин”.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Илмий-назарий адабиётлар:

1. Д.А.Бойков. Жиноят суд иш юритишида қонунийликни мустаҳкамлаш ва тергов хатоларини тўғирлаш масалалари. - М., 1988;
2. В.Н.Исаенко, Л.П.Исмакаев, В.А.Лазарева, А.А.Леви, В.Н.Махов, Е.С.Радутная, А.Б.Соловьев (жамоа раҳбари), М.Е.Токарева(раҳбар ўринбосари), С.А.Шейфер. Дастлабки тергов босқичида хатоларни тўғирлашнинг характеристи, сабаблари ва усуллари: Методик қўлланма. – М., 1991;
3. И.Мирзаев, Э.Гуртуева, Т.Яцюк, М.Алиева. Русский язык. Практический курс. Учебное пособие. “Ўқитувчи” нашриёти. 1993 й.
4. Д.А.Назаров. Суд босқичида тергов хатоларининг аниқланиши. 2002;
5. Т.В.Барсунова. Неотложные следственные действия и ошибки при их производстве – тема диссертации по ВАК РФ 12.00.09, кандидат юридических наук, 2003 г.;
6. Е.В.Морозова. Криминалистические проблемы следственных ошибок – тема диссертации по ВАК РФ 12.00.09, кандидат юридических наук, 2004 г.;
7. Б.Ў.Жамолов. Суд – инсон хуқуқларини ҳимоячиси. // Инсон хуқуқларини суд ва суддан ташқарида ҳимоя қилиш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. - Тошкент: ТДЮИ, 2005;
8. З.М.Исломов. Давлат ва хуқуқ назарияси. Т.: Адолат, 2007 йил;
9. А.А.Абубакирова. Следственные и экспертные ошибки при формировании внутреннего убеждения – тема диссертации по ВАК РФ 12.00.09, доктор юридических наук, 2010 г.;
10. С.Сахаддинов. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Т. Тошкент, 2014. “Янги аср авлоди”;

11. Ю.Ф.Ферраро. Тергов сұхбати. – 2015. -26-33 бетлар. (Taylor & Francis Group, LLCCRC Press is an imprint of Taylor & Francis Group, an Informa businessNo claim to original U.S. International Standard Book Number-13: 978-1-4665-9087-8);

12. Д.А.Назаров. Следственные и судебные ошибки и уголовно-процессуальный механизм их устранения: концептуальные основы – тема диссертации по ВАК РФ 12.00.09, доктор юридических наук, 2017 г.

II. Қонун ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон;
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон;
3. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й.;
4. Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни;
5. Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилда қабул қилинган “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни;
6. Ўзбекистон Республикасининг 10.03.2020 йилдаги “Суд ишларини юритиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-607-сонли Қонуни;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.09.2013 йилда “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ПҚ-2036-сонли қарори;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2017 йилда “Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёrlаш тизимини

тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2932-сон қарори;

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2018 йилдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5438-сонли Фармони;

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.10.2019 йил қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли Фармони;

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.04.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5987-сонли Фармони;

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 31.12.2013 йилда 2548-сон билан давлат рўйхатига олинган “Юридик таълим муассасалари талабалари томонидан таништирув ва малакавий амалиётни, шунингдек стажировкани ўташ тартиби тўғрисида”ги Низом.

III. Давлат раҳбарининг маъruzalari:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирдаги маъruzasi;

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Президент лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи;

3. Давлатимиз раҳбари 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

IV. Амалий материаллар:

1. Қўшма кўрсатмалар;
2. Қўшма қарорлар;
3. Судларнинг хусусий ажримлари;
4. Прокуратуранинг раҳбарий ҳужжатлари.

V. Интернет сайtlари:

1. <http://old.mehnat.uz/cyrl/page/kadrlar-siyosati>;
2. https://www.norma.uz/muhim_voqealar/erkin_va_farovon_demokratik_uzbekiston_davlatini_mard_va_olijanob_halqimiz_bilan_birga_quramiz;
3. <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/Темперамент>;
4. <https://kun.uz/99444746>;
5. <file:///C:Users/Acer/Downloads/1298985082.pdf>;
6. <http://euni.ru/informatsiya/statji/obrazovanie/yuridicheskoe-obrazovanie-v-germanii>.